БУТУН ДУН'Ё ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 46 (537)
2 МАРТ ЖУМА 1956 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

С'ЕЗД ПАРТИЯ ҲАЁТИНИНГ ЛЕНИН БЕЛГИЛАБ БЕРГАН ҚОИДАЛАРИНИ ТИКЛАШ, ПАРТИЯ ИЧКИ ДЕМОКРАТИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, МАРКСЧА-ЛЕНИНЧА СИЁСАТНИ ЎТКАЗИШ АСОСИДА КОЛЛЕКТИВ РАҲБАРЛИК ПРИНЦИПЛАРИНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ, ПАРТИЯ ИШЛАРИНИНГ УСЛУБИНИ ВА МЕТОДЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ СОҲАСИДА МАРКАЗИЙ КОМИТЕТ ТОМОНИДАН ҚИЛИНГАН КАТТА ИШЛАРНИ БАТАМОМ МА'ҚУЛЛАЙДИ. ПАРТИЯ ҲАЁТИНИНГ ДЕМОКРАТИК АСОСЛАРИГА РИОЯ ҚИЛИШ УЧУН, МА'МУРИЯТЧИЛИККА ВА РАҲБАРЛИК ҚИЛИШДАГИ КАНЦЕЛЯРИЯЧИЛИК-БЮРОКРАТИК МЕТОДЛАРГА ҚАРШИ, ТАНҚИД ВА ЎЗ-ЎЗИНИ ТАНҚИДНИ АВЖ ОЛДИРИШ УЧУН ОЛИБ БОРИЛГАН КУРАШ ПАРТИЯЛИЛАР ОММАСИНИНГ АКТИВЛИГИНИ КУЧАЙТИРИШНИ, КОММУНИСТЛАРНИНГ ПАРТИЯ ИШИ УЧУН БУЛГАН МАС'УЛИЯТИНИ ОШИРИШНИ, МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ СИЁСИЙ АКТИВЛИГИ ВА МЕҲНАТ ҒАЙРАТИНИ ТАҒИН ҲАМ ОШИРИШНИ ТА'МИНЛАДИ.

(КПСС Марказий Комитетининг ҳисобот доклади юзасидан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XX с'ездининг резолюциясидан).

Коммунистик партиянинг ленинча сиёсатини бутун халқ ма'қулламоқда

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XX с'ездининг тарихий қарорлари Тинч океандан тортиб Карпат тоғларигача, Заполярьедан тортиб жанубий чегараларгача мамлакатнинг ҳамма қисмида буюк кўтаринкилик вужудга келтирди. Кўп йиллар ўтар, қаҳрамон совет халқи ўзининг улуғ партияси раҳбарлиги остида кўпгина янги шонли ишларни бажарар, аммо, КПСС XX с'езди Ватанимизнинг қудратини мустаҳкамлаш учун, коммунистик жамият қуриш учун, бутун дун'ёда тинчлик учун курашдаги жуда муҳим этап сифатида халқнинг хотирида абадий сақланиб қолади.

Ўртоқ Н. С. Хрущевнинг КПСС Марказий Комитетининг ишлари кўтирисидаги ҳисобот докладида, ўртоқ Н. А. Булганининг олтинчи бешйиллик план юзасидан Директивалар тўғрисидаги докладида, делегатларнинг нутқларида, с'езднинг қарорларида мамлакатимиздаги социалистик тараққиётнинг улуғвор якунлари тўпланди, коммунизм қурилишининг буюк вазифалари белгиланди. С'езд ҳужжатларида келтирилган рақам ва фактлар, бу ҳужжатларда ривожлантирилган назарий қоидалар ва сиёсий хулосалар барча мамлакатлардаги меҳнаткашларда тинчлик, демократия ва социализм ишининг правордида ғалаба қилишига бўлган ишончни мустаҳкамлайди.

Партиямизнинг эришган муваффақиятлари совет кишиларини ва барча дўстларимизни қувонтирмоқда ҳамда илҳомлантирмоқда. Бизнинг душманларимиз ҳам ана шу муваффақиятлар тўғрисида индамай қолаолмаётирлар.

Совет мамлакатининг халқаро миқ'ёсдаги обрўси ғоят ўсганлигини, Совет мамлакатининг ички аҳволи ғоят барқарор ва мустаҳкам эканлигини ҳозир ҳамма кўриб турибди. XX с'ездининг резолюциясида бундай дейилади: «КПСС Марказий Комитети томонидан партия бош йўли изчил суратда амалга оширилиши натижасида ҳисобот даврида ижтимоий ишлабчиқаришнинг барча тормоқларини анча юксалтиришга, халқнинг моддий фаровонлиги ва маданий савиясини анча оширишга муваффақ бўлинди, совет жамиятининг ма'навий-сиёсий бирлиги янада кўпроқ мустаҳкамланди. Совет давлатининг қудрати ўсди».

Бизнинг мамлакатимиз эришган жуда катта муваффақиятлар совет кишиларининг фидокорона меҳнати натижасида, Коммунистик партиянинг тўғри сиёсати, унинг ҳормай-толмай бажараётган ташкилотчилик ишлари туфайли қўлга киритилганлигини совет кишилари яхши биладилар. Бизнинг партиямиз халққа фидокорона хизмат қилаётганлиги туфайли ўз халқининг қизғин муҳаббати ва чексиз ишончига сазовор бўлди, халқаро ишчилар ҳаракати ва коммунистик ҳаракатда, Ғарб ва Шарқнинг халқ оммаси ўртасида жуда катта обрў қозонди. Бу эса партиянинг халқ билан мустаҳкам, чамбарчас боғланганлигини, унинг ленинчи коллектив раҳбарлигининг донолигини, марксча-ленинча та'лимотнинг ҳамиша голиб кучини яққол кўрсатиб турибди.

Партиянинг XX с'ездда намойиш қилиб кўрсатилган монолит бирлиги, унинг ўз Ленинчи Марказий Комитети теварагига маҳкам жипслашганлиги, унинг халқнинг қудратли ижодий кучларига астойдил ишонганлиги, унинг коммунизм қуришдан иборат улуғ мақсадга эришишга қат'ий қарор берганлиги барча совет кишиларини қувонтирмоқда ва илҳомлантирмоқда. Халқ буни коммунистик қурилишда янгидан-янги буюк ғалабаларга эришишнинг гарови деб билади.

Шу кунларда бутун мамлакатда — шаҳар ва қишлоқларда, завод, фабрика ва қурилишларда, колхоз, МТС ва совхозларда, муассасаларда ва ҳарбий қисмларда кўп кишининг иштироки билан митинг ва йиғилишлар ўтказилмоқда. Ана шу митинг ва йиғилишларда коммунизм қуручи халқнинг садоси, партияга самимий муҳаббат ва ишонч садоси жаранглаб эшитилмоқда. Ишчилар, колхозчилар, интеллигентлар, Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг жангчилари, хуллас бутун халқ Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XX с'ездининг қарорларини, партиянинг ташқи ва ички сиёсатини якдиллик билан ма'қулламоқда ва ҳўжалик ҳамда маданий қурилишнинг партия томонидан белгиланган улуғвор планларини амалга оширишга қат'ий бел боғлаганлигини изҳор қилмоқда.

Ленинграддаги «Электросила» заводи ишчилари, инженерлари ва техникларининг митингида слесарь ўртоқ Горохов бундай деди:

— Партиянинг XX с'ездида қабул қилинган қарорларнинг ҳарбир сўзи, ҳарбир сатри ишонч ва куч билан. Ватанимизни, бутун совет халқини янада яшнатиш тўғрисида ғамхўрлик қилиш руҳи билан суғорилган. Мен чин қалбимдан шу гапларни айтишни истайман: Жонажон партия, эшит! Сен — бизнинг ифтихоримиз, бизнинг шон-шуҳратимиз, бизнинг умидимизсан! Биз сенинг синалган раҳбарлигинг остида порлоқ коммунистик истиқбол сари, олға борамиз. Биз сени ишонтириб айтамизки, Ватанимизнинг қудрати ва фаровонлигини янада юксалтириш учун бутун кучимизни сафарбар қиламиз!

Шонли колхозчи деҳқонларимизнинг садоси қаҳрамон ишчилар синфининг қудратли садоси билан қўшилиб кетмоқда. Одесса областидаги Черноморская коммуна номли колхоз а'золарининг йиғилишида сут соғучи Лидия Чечера қуйидагиларни айтди:

— КПСС XX с'ездининг қарорлари мамлакатимизни янада бой қилишга, совет кишиларининг ҳаётини қувончли ва бахтли қилишга қаратилган. Биз бунинг учун ўз кучимизни аямай ишлашга тайёрмиз. Бошқа колхозчилар каби мен ҳам партия с'езди шарафига олган мажбуриятларимни ошириб бажардим. Агар ҳаммамиз яхши ишлайдиган бўлсак, колхоз ҳаёти ҳам барқ уриб яшнайди.

Бизнинг совет интеллигенциямиз ишчилар синфи ва колхозчи деҳқонлар билан биргаликда партия с'ездининг қарорларини якдиллик билан ма'қулламоқда.

Рига меҳнаткашларининг умумшаҳар митингида медицина фанлари доктори, профессор Страдинь бундай деди:

— Биз, олимлар партиянинг коммунизм қурилишида фаннинг муҳим роли ҳақида берган кўрсатмаларини зўр шодлик билан кутиб олдик.

Мамлакатимизнинг барча халқлари партия томонидан янги бешйилликда белгиланган улуғ иш программасини қизғин табрикламоқдалар. «СССР халқ хўжалигини ривожлантириш олтинчи бешйиллик планининг асосий вазифалари, — дейилади с'езд Директиваларида, — оғир саноатни устун даражада ривожлантириш, техникани тинмай тараққий эттириш ва меҳнат унумдорлигини ошириш базасида халқ хўжалигининг ҳамма тормоқларини янада кенг миқ'ёсда ўстиришни та'минлашдан, қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришини кескин равишда юксалтиришни амалга оширишдан ва шу асосда совет халқининг моддий фаровонлигини ва маданий савиясини анча оширишга эришишдан иборатдир».

Олтинчи бешйиллик план ҳақидаги Директиваларда партиямиз миллий сиёсатининг ленинча принципларига мувофиқ, барча иттифоқчи республикаларнинг хўжалиги ва маданиятини янада зўр бериб ривожлантириш кўзда тутилган. Олтинчи бешйиллик ҳарбир иттифоқчи республиканинг экономикасини янада юксак даражага кўтаради, кўпмиллатли Совет давлатининг қудратини янада оширишни та'минлайди, Ватанимизда яшовчи халқларнинг дўстлиги ва қардошларча ҳамкорлигини янада кўпроқ мустаҳкамлайди.

Бутун мамлакатимиз олтинчи бешйилликда совет кишиларининг турмуш ва тирикчилик шароитини янада яхшилаш юзасидан партия томонидан белгиланган тадбирларни зўр мамнуният билан кутиб олди.

Мамлакатимизнинг меҳнаткашлари партия ва ҳукуматнинг халқ бахт-саодати тўғрисидаги ғамхўрлигига жавобан меҳнат ғайратини янада оширмоқдалар. Мамлакатнинг ҳамма қисмида олтинчи бешйиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақа қизиб кетди. Металлурглар, кончилар, энергетиклар, нефтчилар, машинасозлар, саноат ва транспортнинг бошқа соҳаларидаги ишчилар ва инженер-техник ходимлар, колхозчилар, МТС ва совхоз ходимлари янги мажбуриятларни олмоқдалар ва бу мажбуриятларни бажариш учун сабот билан курашга олиб бормоқдалар.

«Правда»нинг бугунги сонида Купавинск фабрикаси коллективининг йиғилиши тўғрисида хабар босилган. Бу хабар ишлабчиқариш планларини муваффақиятли бажариш учун омманинг ижодий ташаббуси қандай катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади. Бу фабриканинг тўқувчилари КПСС XX с'ездининг делегати, йигирув цехи мастери ёрдамчиси М. И. Рожненанинг нутқини тинглаб, йиллик планни муддатидан илгари, 20 декабрьгача бажаришга, пландан ташқари 100 минг метр тайёр газлама беришга, меҳнат унумдорлигини 10 процент оширишга, маҳсулотнинг сифатини анча яхшилаб, унинг таннархини камайтиришга қарор бердилар.

Омманинг ўсиб бораётган ижодий активлиги ва ташаббусини олтинчи бешйилликнинг биринчи йили бўлган 1956 йил топшириқларини тўла ва ошириб бажаришга сафарбар қилиш — партия ташкилотларининг бурчидир.

Коммунистик партия теварагига маҳкам жипслашган, ижодий куч ва қудратли ғайрати тўлиб тошган, КПСС XX с'ездининг қарорларидан илҳомланган совет халқи улуғ Ленин кўрсатиб берган йўлдан коммунизм қурилишида янгидан-янги ғалабалар сари, зўр ишонч ва қат'ият билан олға бормоқда.

(«ПРАВДА»нинг 1 мартдаги бошмақоласи).

Ўртоқ Н. С. Хрушчев КПСС XX с'ездида қатнашган Хитой Коммунистик партияси делегациясини қабул қилди

28 февральда КПСС Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Н. С. Хрушчев КПСС XX с'ездида қатнашган Хитой Коммунистик партияси делегациясини қабул қилди. Делегация состави делегациянинг раҳбари — Хитой Халқ Республикаси маршали ўртоқ Чжу Дэ ва делегация а'золари Дэн Сяо-пин, Ван Цзя-сян, Тань Чжэнь-линь ўртоқлардан иборат.

Н. С. Хрушчев билан Хитой Компартияси делегацияси ўртасида самимий дўстона суҳбат бўлди. (ТАСС).

КПСС Марказий Комитетининг РСФСР Бюроси тўғрисида

Россия Совет Федератив Социалистик Республикасининг республика ташкилотлари, область, ўлка партия, совет ва хўжалик органлари ишларига янада конкретроқ раҳбарлик қилиш ва хўжалик ҳамда маданий қурилиш масалаларини янада оперативроқ ҳал қилиш мақсадида КПСС Марказий Комитети КПСС Марказий Комитетининг РСФСР Бюросини тузди.

КПСС Марказий Комитети РСФСР Бюросининг раиси қилиб КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ Н. С. Хрушчев ва Бюро раисининг ўринбосари қилиб КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ Н. И. Беляев тасдиқланди.

КПСС Марказий Комитети РСФСР Бюросининг а'золари қилиб РСФСР Министрлар Советининг раиси М. А. Яснов, КПСС Москва обкомининг биринчи секретари И. В. Капитонов, КПСС Ленинград обкомининг биринчи секретари Ф. Р. Козлов, КПСС Марказий Комитетининг РСФСР Партия органлари бўлими мудири В. М. Чураев, КПСС Марказий Комитетининг РСФСР қишлоқ хўжалик бўлими мудири В. П. Миларшчиков, РСФСР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари А. М. Пузанов, КПСС Горький обкомининг биринчи секретари Н. Г. Игнатов, КПСС Свердловск обкомининг биринчи секретари А. П. Кириленко ўртоқлар тасдиқландилар.

ТЕЛЕГРАММА

Финляндия Республикасининг Президенти Урхо К. Кекконен Жаноб Олийларига

ХЕЛЬСИНКИ

Финляндия Республикаси Президенти вазифасини бажаришга киришганлигингиз муносабати билан Сиздан менинг самимий табрикларимни ва Финляндия халқининг бахт-саодати йўлидаги ҳамда мамлакатларимиз халқлари ўртасида самимий дўстлик ва ишончни янада мустаҳкамлаш йўлидаги фаолиятингизда муваффақиятлар қозонишингизни истаб изҳор қилган энг яхши тилакларимни қабул қилишингизни сўрайман.

Президент жаноблари, Сиздан олдин шу вазифада ишлаган ҳурматли кишининг актив ёрдами туфайли Совет Иттифоқи билан Финляндия ўртасида мустаҳкам қарор топган дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари ҳар иккала мамлакатимиз халқларининг манфаатлари йўлида, шунингдек Европада тинчликни мустаҳкамлаш манфаатлари йўлида янада мустаҳкамланади ва ривожланади, деб ишонч билдиришга ижозат бергайсиз.

Совет Иттифоқи ва Финляндия Республикаси халқлари ўртасидаги самимий дўстлик абадий яшасин, мустаҳкамлансин ва яшнасин.

К. Е. ВОРОШИЛОВ.
СССР Олий Совети Президиуми Раиси

Москва, Кремль
1956 йил, 29 февраль.

ТЕЛЕГРАММА

Ю. К. Паасикиви Жаноб Олийларига

ХЕЛЬСИНКИ

Сиз Финляндия Республикасининг Президенти вазифасидан кетаётган шу кунда Сизга чин кўнгилдан ҳурмат, самимий дўстлик туйғуларимни ва энг яхши тилакларимни изҳор қилишга ижозат бергайсиз.

Сиз Финляндиянинг отоқли давлат арбоби сифатида Президент вазифасида ишлаган вақтингизда мамлакатларимиз ўртасида ўзаро ишонч, мустаҳкам ҳамкорлик ва дўстлик ўрнатиш учун кўп иш қилдингиз, бу эса Финляндия ва Совет Иттифоқи халқларининг миллий манфаатларига, шунингдек Европада тинчликни мустаҳкамлаш манфаатларига муносибдир.

Бизнинг ўртамизда қарор топган самимий дўстлик муносабатлари бундан буён ҳам сақланади, деб ишонч билдиришга ижозат бергайсиз.

Шу фурсатдан фойдаланиб, Сизга чин кўнглимдан сиҳат-саломатлик, бардамлик ва бахт-саодат тилайман.

Самимий ҳурмат билан

К. Е. ВОРОШИЛОВ.

Москва, Кремль
1956 йил, 29 февраль.

ТЕЛЕГРАММА

Вьетнам Демократик Республикасининг бош министри ва Ташқи ишлар министри ўртоқ Фам Ван Донгга

ХАНОЙ.

Қадрли ўртоқ Фам Ван Донг, эллик ёшга тўлганингиз муносабати билан Совет Ҳукуматининг ва шахсан менинг қизғин табрикларимизни қабул қилгайсиз. Сизга сиҳат-саломатлик ва кўп йиллар умр кўришингизни ҳамда Вьетнам халқининг бахт-саодати йўлидаги самарали ишларингизда янада муваффақиятларга эришувингизни тилаймиз.

Н. БУЛГАНИН.
СССР Министрлар Советининг Раиси

Москва, Кремль
1956 йил, 29 февраль.

ТЕЛЕГРАММА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Бош Министри Маршал Н. Булганин Жаноб Олийларига

МОСКВА

Афғонистон билан Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ўртасида дўстлик тўғрисида Шартнома имзоланган кунга 35 йил тўлганлиги муносабати билан Сиз Жаноб Олийлари юборган дўстлик Мактубини олдим. Сиз Жаноб Олийларининг ва Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Ҳукуматининг саломимий ва дўстона туйғулари учун чин қалбимдан ташаккур изҳор қиламан. Шахсан менинг ва Ҳукуматимнинг самимий ташаккурини Ҳукуматингизга билдиришингизни сўрайман.

Мен шахсан ўзимдан ва Ҳукуматимдан Сиз Жаноб Олийларига ва Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Ҳукуматига Афғонистон билан дўстона қўшнимиз Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ўртасида дўстлик тўғрисида Шартнома имзоланишининг йиллиги муносабати билан табриклар йўллайман. Бу Шартнома иккала дўстона ва қўшни давлатнинг дўстлигига асосдир ва бу иккала мамлакат ўртасидаги яхши муносабатларни мустаҳкамлашга ёрдам беради. Мен бу самимий ва дўстона муносабатларнинг янада мустаҳкамланишини истайман ва, биз истаганимиздек бу Шартнома иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларни янада кўпроқ ривожлантириш ишга хизмат қилади ва умумий тинчликни ҳамда хавфсизликни мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Шахсан Сиз, Жаноб Олийларига астойдил ва чин қалбимдан сиҳат-саломатлик ва Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг гуллаб-яшнашини тилайман.

МУҲАММАД ДОВУД,
Афғонистон Бош Министри.

Кобил, 1956 йил, 28 февраль.

К. Е. Ворошилов Венсан Ориоль жанобларини қабул қилди

29 февральда СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошилов Франциянинг кўзга кўринган жамоат арбоби, Франция Республикасининг собиқ Президенти Венсан Ориоль жанобларини қабул қилди. Франциянинг СССРдаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси М. Дежан ва Мухтор министр, Элчихона Маслаҳатчиси Ж. Лалуа меҳмонга ҳамроҳ бўлиб келдилар.

К. Е. Ворошилов блан Венсан Ориоль жанублари ўртасида дўстона, самимий суҳбат бўлди.

Қабул вақтида СССР Олий Совети Президиумининг секретари Н. М. Пегов, СССР Ташқи ишлар министрининг ўринбосари Н. Т. Федоренко, СССР Олий Совети Президиумининг Протокол бошлиғи Г. И. Фомин, СССР Олий Совети Президиуми Канцелярияси бошлиғининг ўринбосари Ю. А. Королев ҳозир бўлдилар. (ТАСС).

Ҳиндистон Вице-Президенти доктор С. Радхакришнаннинг Совет Иттифоқига қиладиган визитига доир

ССР Иттифоқи Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошилов шу йил январь ойининг охирида Ҳиндистон Вице-Президенти доктор Сарвапалли Радхакришнанга 1956 йил ёз фаслида Совет Иттифоқига келишни сўраб таклифнома юборган ва бу таклифномада, Ҳиндистон Вице-Президентининг СССРга келиши СССР блан Ҳиндистон ўртасидаги дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлашга ёрдам беради, деб ишонч билдирган эди.

Ҳиндистон Вице-Президенти доктор Сарвапалли Радхакришнан ана шу таклиф учун ССР Иттифоқи Олий Совети Президиуми Раиси К. Е. Ворошиловга ташаккур изҳор қилди ва 1956 йил июнь ойида мамнуният блан Совет Иттифоқига сафар қилажагини билдирди. (ТАСС).

Совет авиация техникасининг катта муваффақияти

Москва яқинидаги Тушино аэродромида Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. С. Яковлев конструкциясидаги «Учар вагон» вертолётида юк кўтариш бўйича иккита Бутуниттифоқ рекорди қўйилди.

Учучи Е. Ф. Милютичев тўрт тонна юк блан 2.000 метрдан юқорироқ баландликка кўтарилди. Учучи Г. А. Тиняков бошқа бир учиш вақтида икки тонна юк блан 5.082 метр баландликка кўтарилди. Бу икки натижа совет авиация техникасининг ғоят катта муваффақиятидир.

Учучилардан Е. Ф. Милютичев ва Г. А. Тиняковларнинг бу муваффақиятларини СССР В. П. Чкалов номидаги Марказий аэроклубнинг авиация спорти комиссияси Бутуниттифоқ рекордлари сифатида рўйхатга олди. Тегишли материаллар бу муваффақиятларни вертолетлар класси бўйича жаҳон рекордлари сифатида рўйхатга олиш учун Халқаро авиация федерацияси (ФАИ)га юборилди.

А. С. Яковлев конструкциясидаги «Учар вагон» вертолети дун'ёда энг катта вертолетлардан бири ҳисобланади. Машина учирадиган иккита винтга эга бўлиб, бу винтлар унга юқорига бирданига вертикал равишда парвоз қилиш имкониятини беради. Винтларни фюзеляжга ўрнатилган икки мотор айлантиради. (ТАСС).



И. В. Сталин номли Тошкент тўқимачилик комбинатида корхона коллективининг КПСС XX с'езди ишларининг якунларига бағишланган митинги бўлиб ўтди. **Суратда:** комбинат тўқучиси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати ўртоқ **С. Пўлатова** митингда нутқ сўзламоқда. **И. Глауберзон** фотоси.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XX с'ездининг қарорлари халқимизни янги меҳнат ғалабаларига руҳлантирмоқда

* * *

Истиқболимиз янада порлоқдир

Кундузги смена тамом бўлиши билан «Ташкенткабель» заводининг ишчи, хизматчи ва инженер-техник ходимлари шнур-провод цехининг кенг ва катта биносига тўпландилар. Завод партия ташкилотининг секретари Ўртоқ Н. Павлий КПСС XX с'езди ишлари якунига бағишланган митингни очиб, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари Ўртоқ А. Н. Рудинга сўз беради. Митинг қатнашчилари Ўртоқ А. Н. Рудининг КПСС XX с'езди ишларининг якунлари тўғрисидаги ахборотини зўр қизиқиш билан тингладилар.

Минбарга прокат цехининг слесари Ўртоқ В. Шкирятов чиқади.

— Биз, — дейди у, — КПСС XX с'езди ишини катта қизиқиш билан кузатиб бордик. С'езд мамлакатимизни янада тараққий эттириш ва шу асосда совет кишиларининг моддий-маданий турмуш даражасини янада юксалтиришга қаратилган муҳим тадбирларни белгилади. Олтинчи бешйилликда корхонамизда, жумладан цехимизда ишлабчиқариш технологияси янада такомиллаштирилади, янги ускуналар ўрнатилиб, ишга туширилади. Бу эса ўз навбатида меҳнат унумдорлигини тинмай ошириш имкониятларини беради.

Шнур-провод цехининг наладчиги Ўртоқ Н. Болгова сўз олиб, цех комсомол-ёшлари номидан гапиради.

— Цехимиз комсомол ёшлари, — дейди у, — КПСС XX с'езди материалларини зўр қизиқиш билан ўрганаётир. Бу тарихий ҳужжатларда мамлакатимизни янада зўр бериб ривожлантиришнинг улуғвор перспективалари, жумладан биз, совет ёшларининг келгуси порлоқ истиқболи бутун тўлалигича акс этган. Партиямизнинг бу қатта ғамхўрлигига жавобан олтинчи бешйилликнинг биринчи йили — 1956 йил планини муддатидан илгари бажаришга ва'да берамиз.

Митинг қатнашчилари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XX с'езди қарорларини тўла ма'қулловчи резолюция ҳамда 1956 йил планини муддатидан илгари бажаришга қаратилган мажбурият қабул қилдилар.

* * *

Партия раҳбарлиги остида

29 февральда Тошкент экскаватор заводининг бир мингдан ортиқ ишчи ва хизматчилари КПСС XX с'ездининг иши тамом бўлганига бағишланган митингга тўпландилар.

Митингни завод партия ташкилотининг секретари Н. Иванов очди. У КПСС XX с'ездининг делегати, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретари О. Алимовга сўз беради.

Митинг қатнашчилари с'езд делегатининг партиянинг мамлакат халқ хўжалигини ва маданиятини янада юксалтиришга қаратилган тарихий қарорлари тўғрисидаги сўзларини гоят зўр э'тибор билан тингладилар.

Ўртоқ Алимов ишонч билдириб айтдики, тошкентли экскаваторсозлар партия томонидан олтинчи бешйиллик планда қўйилган топшириқларни амалга ошириш учун курашга муносиб ҳисса қўшадилар.

Механика цехининг фрезерчиси В. Волков сўз олади.

— Партиямизнинг XX с'езди, — деди у, — муҳим, тарихий қарорлар қабул қилди. Бу қарорларда мамлакатимизда коммунизм жамиятини қуриш тўғрисидаги Ленин васиятлари ўз ифодасини топди. Биз, ана шу қарорларни бажараборий, саноатда техника прогресси учун, меҳнат унумдорлигини тобора ошириш учун курашни кучайтирамиз.

— КПСС XX с'езди шарафига бўлган меҳнат вахтаси кунларида, — дейди сўнгра Ўртоқ Волков, — юзларча слесарьлар, токарьлар, фрезерчилар ва корхонанинг бошқа ишчилари ўз топшириқларини 2—3 баравар ошириб бажардилар. Ҳозир заводда олтинчи бешйиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақа кенг авж олмоқда. Мен бошқа кўпгина Ўртоқларим сингари ўз кунлик нормамни 2,5 ҳиссагача етказиб бажариш мажбуриятини оламан.

Трибунага инструменталь цехининг шлифовщиги Л. Сивохина чиқади.

— Бизнинг жонажон Коммунистик партиямиз, — дейди у, — совет кишиларининг моддий фаровонлигини ошириш тўғрисида катта ғамхўрлик қилмоқда. Халқнинг турмушини яхшилаш юзасидан партиянинг янги катта тадбирлар белгилагандиги тўғрисидаги хабар бизларни жуда қувонтирди. Иш куни камайтирилади, реал ишҳақи ошади, ўқув юртлари, болалар боғча ва яслилари тармоқлари кенгайтирилади. Хотин-қизларнинг меҳнатини енгиллаштириш учун кўп ишлар қилинади. Мана буларнинг ҳаммаси бизларни Ватан фаровонлиги йўлида меҳнатда янги қаҳрамонликлар кўрсатишга руҳлантиради. Бизларнинг ҳарбиримиз партия томонидан олтинчи бешйилликда мўлжалланган ижодий ишларнинг улуғвор программасини муваффақият билан бажармоқ учун бутун куч ва билимимизни сарфлаймиз.

Йиғиш цехининг газорезчиги А. Ожуженко, инструменталь цехининг строгальчиси Е. Павлова ва бошқа экскаваторсозлар бирин-кетин трибунага чиқадилар. Уларнинг ҳаммаси партия XX с'езди томонидан ишлабчиқилган олтинчи бешйиллик план юзасидан Директивалар халқ манфаатларига жавоб беришини, меҳнаткашларни севикли Ватанининг янада гуллаб-яшнаши учун фидокорона курашга илҳомлантиришини уқтириб ўтадилар.

Митингда қабул қилинган резолюцияда корхона коллективи партия XX с'ездининг қарорларини янгилик билан ма'қуллади ва олтинчи бешйиллик планни муддатидан илгари бажариш юзасидан мажбуриятлар олди. Тошкентли экскаваторсозлар олтинчи бешйилликнинг биринчи йили ишлабчиқариш программасини 21 декабрьгача бажаришга қарор қилдилар. (ЎзТАГ).



«Ташкенткабель» заводида КПСС XX с'езди ишларининг якунларига бағишланган ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчиларнинг митинги бўлиб ўтди. Суратда: прокат цехининг слесари Ўртоқ В. Шкирятов нутқ сўзламоқда. В.Салов фотоси.

КПСС XX с'езди материалларининг ўзбек тилида нашр этилиши

Ўзбекистон ССР Давлат нашриёти «Н. С. Хрушчев. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг партия XX с'ездига ҳисобот доклади»ни ўзбек тилида 100 минг нусха қилиб босиб чиқарди.

СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. Булганининг СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1956 — 1960 йилларга мўлжалланган плани юзасидан КПСС XX с'езди Директивалари ҳақидаги доклади, шунингдек К. Е. Ворошилов, Л. М. Каганович, А. И. Кириченко, Г. М. Маленков, А. И. Микоян, В. М. Молотов, М. Г. Первухин, М. З. Сабуров, М. А. Суслов, Д. Т. Шепилов, Н. М. Шверник, А. Б. Аристов, Н. И. Беляев Ўртоқларнинг КПСС XX с'ездидаги нутқлари ўзбек тилида брошюра қилиб босиб чиқарилмоқда.

Ўзбекистон ССР Давлат нашриёти «Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XX с'ездининг КПСС Марказий Комитетининг ҳисобот доклади юзасидан резолюцияси» ва «СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1956 — 1960 йилларга мўлжалланган плани юзасидан КПСС XX с'ези Директивалари»ни ҳам ўзбек тилида босиб чиқармоқда.

Бу брошюраларнинг умумий тиражи бир миллиондир.

* * *

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриёти «Н. С. Хрушчев. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг партия XX с'ездига ҳисобот доклади»ни ўзбек тилида брошюра қилиб нашр этди. Брошюра оммавий тиражда 50 минг нусха босиб чиқарилди.

Бахтимизни ўз меҳнатимиз билан яратамиз

Биз, совет кишилари дун'ёда энг бахтли кишилармиз. Асрлар давомида азобуқубат ҳисобланиб келган меҳнат бизнинг мамлакатда шон-шараф ва қаҳрамонлик ишига айланиб қолди. Завод-фабрикалар, ер ва сув халқнинг ўзиникидир. Шунинг учун ҳам ҳарбир меҳнаткаш социалистик хўжалигининг қайси тармоғида ишлашидан қат'и назар, завқ-шавқ билан ишлайди, техниканы тараққий эттириш, ишлабчиқаришни ташкил этишни янада яхшилаш учун бутун зеҳни ва кучини сарфлайди. Шунинг учун ҳам мамлакатимизнинг иқтисодий қуввати тобора ортиб бормоқда, халқимизнинг моддий ва маданий турмуши борган сари фаровонлашмоқда.

Н. С. Хрушчев ва Н. А. Булганин Ўртоқларининг докладларида бешинчи бешйилликда саноат, қишлоқ хўжалиги ва маданиятнинг ҳамма соҳаларида катта ютуқлар қўлга киритилганлиги та'кидланди. Коммунистик партиянинг халқ манфаатларидан бўлак манфаати йўқ. Жонажон партиямизнинг доно Марказий Комитети меҳнатсевар совет халқининг фидокорлик билан ишлаб, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш ва планга қўшимча равишда кўплаб жамғармалар бериш йўли билан давлат бойлигини мисли кўрилмаган даражада оширганликларини ҳисобга олиб, иш соатларини қисқартириш, реал иш ҳақини ошириш, кам маош ва пенсия оладиган кишиларнинг маош ва пенсиясини кўпайтириш, хомиладор аёлларнинг отпуска муддатини узайтириш, қарияларга тинч, осойишта турмуш кечириш учун ҳамма шароитларни яратиб бериш тўғрисида конкрет тадбирлар ишлаб чиқди.

Газеталан совет халқининг моддий ва маиший турмуш даражасини тинмай ошириш тўғрисида КПСС Марказий Комитети томонидан тузилган ва с'езд тасдиқлаган режалар ва айниқса партиямизнинг бутун дун'ёда тинчликни мустаҳкамлашга қаратилган сиёсати халқимизнинг ҳаётий манфаатларини ифодалайди. Бу ғамхўрлик бизни олтинчи бешйиллик программасини муваффақият билан бажариш учун янада зўр ғайрат билан киришишга руҳлантиради. Биз кўнчилар партия ва ҳукуматимизнинг ана шундай олижаноб ғамхўрлигига ижодий меҳнат билан жавоб бермоқдамиз. Коллективимиз аҳолига кўплаб сифатли маҳсулот етказиб бериш мақсадида шевро, хром, чарм ҳамда қайиш ишлаб чиқариш сур'атини тобора оширмоқда.

Корхонамиз ишчи ва хизматчилари КПСС XX с'езди очилиш кунигача икки ойлик давлат планини бажариш ва ой охиригача қўшимча равишда 100 минг квадрат дециметр пишган тери ва 300 килограмм тагчарм ишлаб чиқариш мажбуриятини олган эдилар. С'езд шарафига меҳнат вахтасида туриб ишлаган фидокор кўнчилар бу мажбуриятни 10 февральдаёқ бажардилар. Бундай катта ғалабага эришишда номлари шаҳар Ҳурмат тахтасига ёзилган Жалил Соатов, Файзулла Ҳошимов Ўртоқлар сингари ишлабчиқариш илғорлари катта ҳисса қўшдилар.

Цехимиз коллективи цехлараро мусобақада олдинда бормоқда; 20 кунлик топшириқни 216 процентга етказиб бажаришга муваффақ бўлган цех ишчилари ҳозирги кунда март ойининг сўнгги декадаси ҳисобига ишламоқдалар.

Биз шуни яхши биламизки, маҳсулот ишлаб чиқаришни кенчалик кўпайтирсак, корхонамиз техника-иқтисодий кўрсаткичларини кенчалик яхшиласак, турмушимиз ҳам шунча кўпроқ фаровон бўлади. Биз ишлаб чиқарган ҳарбир тери ўзимизга ўхшаган меҳнаткашлар учун сарф қилинади.

Х. АБДУРАЗЗОҚОВ,
Тошкент кўн-пойафзал фабрикаси тери пишириш цехининг мастери.

Меҳнатда янги муваффақиятлар сари

ЧИРЧИҚ, (ЎзТАГ). Индустриал Чирчиқнинг корхоналари ва муассасаларида партия XX с'ездининг иши тамомланганлигига бағишланган кўпкишилик митинглар ўтказилмоқда.

Икки смена ўртасида Сталин номидаги электрохимия комбинати ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларининг кўпкишилик митинги бўлиб ўтди. Митингда минерал ўғитлар цехининг партия ташкилоти секретари Ўртоқ Холмуҳамедов сўзга чиқиб, бундай деди:

— Партия XX с'езди қабул қилган қарорлар бизларни коммунистик қурилишда янги муваффақиятларга эришишга илҳомлантирмоқда. Шу кунларда комбинатимизда ишлабчиқариш резервларидан тўла фойдаланиш учун аппаратчи Серенбой Бойгузиевнинг ташаббуси билан бошланган ҳаракат кенг авж олди. Биз олтинчи бешйиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани қизитиб, мамлакатга қўшимча равишда юзларча тонна минерал ўғит бериш учун бутун ишларни қиламиз.

— Халқнинг бахт-саодати тўғрисида отаоларча қилаётган ғамхўрлиги учун жонажон партиямизга чин қалбимиздан ташаккур айтамиз, — деди 7-нчи цехнинг слесарьлар бригадири Ўртоқ Петров. — Меҳнат соҳасида янгидан-янги муваффақиятларга эришиш учун, мамлакат халқ хўжалигини янада ривожлантириш юзасидан партия топшириқларини намунали бажариш учун ҳечбиримиз ўз кучларимизни аямаймиз.

Электр та'миноти цехининг комсомол ташкилотчиси Ўртоқ Карелин, электрослесарь Ўртоқ Костин, комбинат директори Ўртоқ Анисимкин, завод касаба союз комитетининг раиси Ўртоқ Заикин сўзга чиқадилар. Уларнинг ҳаммаси с'ездининг тарихий қарорларини яқдиллик билан ма'қуллайдилар ва химикларнинг коммунистик қурилиш соҳасида партия томонидан белгилаб берилган программани муддатидан илгари амалга оширишга тайёр эканликларини айтадилар.

Коммунизм ҳаётимизга кирмоқда

Олмалиқ шаҳар меҳнаткашлари КПСС XX с'езди қарорларини сиёсий ва меҳнат кўтаринкилиги гоят ошган бир шароитда кутиб олдилар. С'езд фаолиятини зўр қизиқиш ва зийраклик билан кузатиб борган минглаб ишчилар, хизматчилар ва инженер-техник ходимлар с'ездда қабул қилинган тарихий қарорларни зўр ушқоқлик билан ўрганмоқдалар. Шаҳар корхоналарида КПСС XX с'езди якунларига бағишланган митинглар бўлиб ўтди.

Темирбетон конструкциялари ва деталлари ишлаб чиқарувчи завод коллективининг митингида ишчилар, инженер-техник ходимлар сўзга чиқиб, с'езд қарорларини оғишмай амалга оширишга тайёр турганликларини айтдилар.

— Бепоён Ватанимиздаги миллионлаб меҳнаткашлар қатори, — деди сўзга чиққан комсомол-ёшлар бригадасининг бошлиғи, бетончи Ўртоқ Сулаймонов, — биз ҳам с'езд қарорларини жон-дилимиз билан ма'қуллаймиз. Бу қарорларнинг амалга оширилиши Ватанимизнинг янада гуллаб-яшнашини та'минлайди. Шунинг учун ҳам биз с'езд белгилаб берган режаларни ишчилик билан амалга ошириш учун бор куч ва ғайратимизни сарфлаймиз.

Митинг охирида бир овоздан оширилган социалистик мажбурият қабул қилинди; завод коллективи йиллик планни 1 декабрьгача бажариш ва қўшимча равишда 3 минг кубометрдан кўпроқ темирбетон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга, йигма блоклар таннархини 2 процент камайтиришга, меҳнат унумдорлигини 5 процент оширишга аҳд қилди.

Шунингдек, механизация базасида, автотрестда ва бошқа корхоналарда ҳам кўпкишилик митинглар бўлиб ўтди. Бу митингларда ишчи ва инженер-техник ходимлар с'езд қарорларини баланд руҳ билан қувватлаб, бу қарорларни бажаришга астойдил бел боғлаганликларини изҳор қилдилар.

Н. ГОРОДНИЧЕНКО.

С'езд қарорлари механизаторлар ғайратини янада оширди

Тошкент районидаги 1 ва 2-нчи МТС коллективи трактор, қишлоқ хўжалик асбоблари ремонтини муддатидан илгари тамомлаш учун КПСС XX с'езди шарафига меҳнат вахтасида туриб ишладилар. Ҳар икки МТС коллективи ўртасида бошланган социалистик мусобақа механизаторлар ғайратини янада ошириб юборди, уларни янги муваффақиятларга илҳомлантирди. 1-нчи МТС механизаторлари ҳарқачонгидан ҳам унумли ишлаб, трактор ва қишлоқ хўжалик асбоблари ремонтини муддатидан 15 кун илгари юқори сифатли қилиб тамомладилар. 96 трактор ремонтдан чиқарилиб, колхозларга юборилди.

МТС коллективи бу йил трактор ишлари унумини ошириб, 20 тонна ёнилғи, 2 тонна мойлаш материаллари тежаш мажбуриятини олди.

Қишлоқ хўжалик механиги Ўртоқ Ким МТС дирекциясига янги таклиф билан мурожаат қилди. У, СШ-6 маркали мажакўхори экадиган сеялкани қайта ускуналаш ва уларнинг ҳарбирига оқучник ўрнатди. Бунинг натижасида сеялка бирйўла суғориш эгати очиб кетадиган бўлди.

2-нчи МТС механизаторлари ҳам с'езд кунларида жуда яхши ишладилар. 85 трактор муддатидан 6 кун илгари ремонтдан чиқарилди. Сталин номли колхозга хизмат қиладиган Қушнер, Бобоев Ўртоқлар бошлиқ бригадаларнинг тракторчилари социалистик мажбуриятини МТСда биринчи бўлиб адо этдилар. Универсалчи Ўртоқ Райимов КПСС XX с'ези қарорлари ва СССР халқ хўжалигини ривожлантириш олтинчи бешйиллик план Директивларини амалга оширишга юзасидан ўз зиммасига олинган мажбурият олди. У, «Сталинград» колхозининг 6, 7 ва 9-нчи бригадаларига намунали хизмат қилиб, 1000 гектар ерни ишлаб бериш ва картошка-сабзавот ҳосилини оширишга муносиб ҳисса қўшиш шарти билан Сталин номли 2-нчи колхоздаги универсалчи Ўртоқ Ҳолматовни социалистик мусобақага чақирди.

Ҳар иккала МТС механизаторлари с'езд қарорларига амалий иш билан жавоб бериб, кўклам экиш кампаниясини пухта тайёрлик билан кутиб олиш учун курашмоқдалар.

* * *

Партия бизнинг ғалаба байроғимиз

Коммунистик партия! Шу сўзлар дилларда такрорланар экан, юзларда табассум жилваланади, билакларда қувват, оғзда шижоат жўш уради. Қуёшдай абадий Коммунистик партиямиз ҳамма жойда мунавварлик бахш этади!

Жонажон Москвада йигирманчи с'езд ўз ишини муваффақиятли олиб бориб турган тарихий кунларда отаоғлон ишчилар, фидокор деҳқонлар, давримизнинг ифтихори бўлиб қолган совет интеллигенциясининг миллионларча вакиллари халқ, она-Ватан бойлигини ошириш учун ҳормай-толмай, ғайратга тўлган ҳолда меҳнат қилдилар. Улар севикли партиямизнинг XX с'езди ғалабалардан-ғалабаларга эришиш йўлини, халқ фаровонлиги мақсадларини мўлжалловчи улуғ идеялар йўлини бутун борлиги билан ёритиб турганлигини минутсайин сезиб, англаб турдилар.

Коммунистик партия деган сўз Сибирь ўрмонларида, Қозоғистон чўлларида, Украинанинг поёнсиз ва унумдор далаларида, республикамизнинг кенг пахтазорларида мамлакат бойлигини ошириш учун курашаётган меҳнатсеварлар, Антарктиданинг «Мирний» посёлкасига Совет байроғини олиб борган баҳодир кишиларимиз қалбини ёритиб, илитиб туринти.

Донбасс шахталарида, Болтиқ денгизида, Қримнинг шифобахш курортларида ишлаётган, дам олаётган ҳарбир киши Коммунистик партия сўзини тинглаганда, дилида такрорлаганда бу улуғ сўздан илҳомланади, ишига иш қўшади, янада бардамлашади.

Партиямизнинг XX с'езди совет кишиларининг фаровонлигини, бахт-саодатини мўлжаллаб, тарихий қарорлар қабул қилди. Бу қарорлар ҳарбир кишини янгидан-янги меҳнат ғалабаларига руҳлантирмоқда.

Узоқ яйловлардаги чўпонлар ўз ихтиёрларидаги қўй-эчкиларни, сигир ва йилқиларни қишнинг совуқ кунларидан семиз ва соғлом олиб чиқиш учун ҳаракат қилмоқдалар. Улар қор кетиб, қуёш тапти илитаётган яйловларга молларни ҳайдаб чиқар эканлар, ўзлари тўғрисида жонажон партия ғамхўрлик қилаётганини жуда яхши биладилар. Партиямиз чорвадорларга мурожаат қилиб: — чорвачиликни янада ривожлантиринглар, норва молларидан маҳсулдорлигини оширинглар, демоқда.

Кўпмингли чорвадорларимиз партиямизнинг бу чақиригига фидокорона меҳнат қилиш билан жавоб бермоқдалар.

Партиямизнинг XX с'езди пахта майдонларини кенгайтиринглар, ҳосилни кескин оширинглар, халқимиз учун картошка, сабзавот маҳсулотларини мўл-кўл қилинглар, демоқда. Азамат колхозчиларимиз, шонли механизаторларимиз с'езднинг бу кўрсатмасини шараф билан бажарамиз, деб қасам'ёд қилмоқдалар.

Кўкламнинг илк нафаси кезиб турган шу кунларда — областимизнинг азамат пахтакорлари, механизаторлари, сабзавотчилари — ҳарбир меҳнаткаш ҳосилни ошириш режаларини тузмоқда. Бу режаларни тузибгина қолмай, уни муваффақиятли амалга ошириш учун курашмоқда. Илғор колхозларга, совхозларга борсангиз, каттадан-кичик далага кўпроқ маҳаллий ўғит чиқариш учун курашаётганлигини кўрасиз. Ахир, экинга ўғитни кўп бермай туриб ҳосилни ошириб бўлмайди-ку.

Пешқадам тракторчилар ўз пўлат отларини яна далада гувуллатиб ишлатмоқдалар. Кузда ҳайдалмай қолган ерларни тезроқ ҳайдаб олиш, чигит экишга сифатли қилиб тайёрлаш учун курашмоқдалар.

Партиямизнинг XX с'езди материалларида, у қабул қилган қарорларда кам ҳосилли колхоз — ҳосилини кўпайтиришда муҳим резерв деб ёзилган. Камҳосилли колхозларнинг а'золари партиямизнинг ана шу сўзларидан илҳомланиб, ҳосилни ошириш, шу йўл билан ўз экономикаларини мустаҳкамлаш тадбирларини кўрмоқдалар, ўтган йилги ба'зибир муваффақиятларини мустаҳкамлаш учун курашмоқдалар.

Октябрь районидаги Ленин номли колхоз 1955 йилнинг кўкламигача шу райондаги Андреев номли колхознинг бир участкаси ҳисобланарди. Бу участкада Самарқанд областининг Ғаллаорол, Наманган областининг Чуст ва Поп районларидан кўчиб келган кишилар ишлар эди. Улар нимагалир ўтган йилларда ҳосилни унча оширолмас эдилар. Шунинг учун Андреев номли колхознинг бу участкасидаги кишилар ўтган йил баҳорда янги колхоз ташкил этдилар. Колхоз улуғ доҳимиз Ленин номи билан аталди.

Кичик ва камҳосилли ҳисобланган Ленин номли колхознинг меҳнатсевар кишилари бир йил ичидаёқ ўз колхозларини райондаги ўрта даражадаги колхозлар сафига етказдилар. Шу колхоз билан қўшни бўлган Андреев номли колхоздан ўзиб кетдилар. Пландаги 17,5 центнер ўрнига давлатга 19,5 центнердан пахта топшириб, катта муваффақиятга эришдилар.

Гектаридан 19,5 центнердан ҳосил олиш, албатта юқори кўрсаткич эмас. Бундан Ленин номли колхоз а'золари ҳам тўла қаноатланмайдилар. Шу тўғрида гап кетар экан, колхоз раиси Турсунбой Эрназаров бундай дейди:

— Ҳали экономикамизни мустаҳкамлаш, колхозимизни илғор хўжаликлар даражасига етказиб олиш учун кўп меҳнат қилишимиз керак. Ўтган йилги муваффақиятимиз бизнинг дастлабки қадамимиз. Хурсандчилик билан айтаоламизки, биз бу дастлабки қадамни бардамлик билан, мустаҳкам қилиб қўйдик.

Колхоз раисининг ана шу сўзларидан кейин бу йилги мўл ҳосил учун кўрилган тайёргарликлар билан танишдик. Колхозда хизмат қилаётган механизаторлар бу йил чигит экиладиган ерларнинг учдан икки қисмини кузда юқори сифатли шудгор қилиб қўйиптилар, давлат томонидан берилган минерал ўғит тўла ташиб олининти, ариқ-зовурларни тозалаш муваффақиятли бажарилипти, механизаторлар барча трактор ва «универсал»ларни ҳамда сеялкаларни ремонтдан чиқариб, колхозга келтириб қўйиптилар.

Ленин номли колхознинг ҳозирги хўжалиги билан танишсангиз, ўз рўзғорини яхшигина мустаҳкамлаб олган, аҳил-иноқ оилага ўхшайди. Ўтган йилларда бу колхоз фақатгина пахтачилик билан шуғулланар эди, ҳозир колхозда чорвачилик ҳам ривожлантирилмоқда, колхоз далаларида етиштирилган ширин-шакар қовун-тарвузлар Тошкентга ва бошқа шаҳарларга юборилмоқда. Колхоз чўчқачилик фермаси ташкил этди. Бу йил колхоз далатга бўрдоқи чўчқа гўштлари етказиб бериш учун курашмоқда. Ҳозир янгидан қурилган чўчқахонада 11 та она чўчқа жуда яхши парвариш қилинаётир.

Колхоз правлениеси ҳарбир ишга ҳам меҳнатни кам сарф қилиб кўпроқ унум олиш йўлларини қидириб топмоқда. Масалан, ўтган йили колхозда гўза парвариши кенг механизациялаштирилгани ва бу соҳадаги ишлар сифатли қилиб бажарилганлиги учун 20 минг меҳнат куни тежаб қолинди.

Колхоз ҳосилот советининг раиси Ўртоқ Раисбой Ҳайтбоев кекса, деҳқончиликнинг кўзини билган уста пахтакор. Уни ҳамавақт далада, колхозчилар, механизаторлар орасидан топасиз. Ўртоқ Ҳайтбоев тракторчилар, ишчан колхозчилар ҳақида гапирганда, уларнинг номини жуда улуғлайди:

— Назира Аширбоева, Жонгиш Қулиева сингари гўза парваришни даврида ҳам, йигим-терим кезларида ҳам чарчаш нималигини билмай меҳнат қиладиган қизларимиз колхозимизни олоқликдан чиқаришда муносиб ҳисса қўшган меҳнатсеварлардир. Шулар сингари ғайрат билан ишлаётган колхозчилар кўп. Биз уларнинг меҳнатидан миннатдормиз.

Ленин номли колхоз кишилари бир йил ичида ўз хўжаликларини ўрта даражага етказган эканлар, энди улар бу йил илғорлик байроғини қўлга олиш учун курашмоқдалар. Партиямиз XX с'езди материалларини зўр қизиқиш билан ўрганаётган ленинчилар 1956 йилда она-Ватанимизга гектаридан 25 центнердан пахта бериш учун курашмоқдалар.

Барча совет кишилари каби, Ленин номли колхознинг ҳарбир а'зоси ғалаба сари ишонч билан борар экан, улар қалбида Коммунистик партия сўзи барқарордир. Коммунистик партия деган улуғ сўз ғалабага йўлловчи нур бўлиб, катта йўлимизни ҳамавақт мунаввар қилиб турипти.

С. МАҲКАМОВ,
Октябрь райони.

СОВЕТ ҚУРИЛИШИ

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Советининг сессияси

28 февральда меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Советининг тўртинчи сессияси бўлди. Сессия Тошкент областининг 1956 йилги маҳаллий бюджети тўғрисида ва 1955 йилги маҳаллий бюджетнинг бажарилиши ҳақида область молия бўлимининг мудири Ўртоқ Элчибековнинг ва область Совети бюджет комиссиясининг раиси Ўртоқ Исломовнинг докладларини тинглади ва муҳокама қилди.

Докладларда ва депутатларнинг сўзларида кўрсатиб ўтилганидек областимиз экономикаси ва маданиятини янада ривожлантириш учун бюджетдаги ажратмалар партия XX с'езининг олтинчи бешйиллик план Директивларида белгиланган вазифаларга мувофиқ келади. Шу билан бирга нотиқлар область корхоналари ва муассасаларининг ишидаги, шунингдек ижроия комитети бўлимларининг фаолиятидаги камчиликларни танқид қилдилар, хўжасизликка ва молия-смета интизомини бузиш ҳолларига барҳам бериш, бюджетда кўзда тутилган маблағларнинг ўз вақтида тушишини та'минлайдиган ишларни кучайтириш зарурлигини кўрсатиб ўтдилар.

Депутатлардан Абзалов, Маҳкамов, Сотиболдиев ва бошқа ўртоқлар кўклам экишига тайёргарликни кучайтиришга доир масалаларни қўйдилар, ижроия комитет бўлимларининг халқ маорифи ва соғлиқни сақлаш ишларига яхшироқ раҳбарлик қилишлари, маданий-оқартув муассасаларига кўпроқ э'тибор беришлари зарурлиги ҳақида гапирдилар. Сессия район марказларини ва колхоз қишлоқларини обод қилиш масалаларига, шунингдек йўл қурилишига катта э'тибор берди.

Сессия областьнинг маҳаллий бюджетини даромадлар бўйича 382016 минг сўм ва харажатлар бўйича 380441 минг сўм миқдорида, даромадларни харажатлардан 1575 минг сўм ортиқ қилиб тасдиқлади. Маҳаллий бюджетнинг ҳажми 1955 йилда ҳақиқий бажарилганига нисбатан 19 миллион сўмдан зиёд кўпаяди. Бюджет бўйича ажратмаларнинг қарийб 89 процента халқ маорифи, соғлиқни сақлаш, социалта'минот ишларини яхшилашга ва бошқа социал-маданий тадбирларга сарфланади. (ЎзТАГ).

Посёлка Советининг иш фаолияти яхшилансин

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми шу йил 23 январьда Қуйичирчиқ районидаги «Ўзбекистон ССР бешйиллиги» совхози посёлка Советининг раиси Ўртоқ Уткиннинг ҳисоботини эшитиб ва муҳокама қилиб, посёлка Советининг ташкилий-оммавий ишлари қониқарсиз аҳволда эканлигини қайд қилиб ўтган эди.

Қарорда меҳнаткашлар депутатлари совхоз посёлка Совети ташкилий-оммавий ишларни бўшаштириб юборгандиги, сессияларни чақиришда Конституцияда белгиланган муддатлар бузилаётганлиги қайд қилинган. Сессияларда танқид ва ўз-ўзини танқид етарли бўлмаган. Посёлка Советининг сессиялари 1955 йил апрель, сентябрь ва ноябрь ойларида мутлақо чақирилмаган. Тўртинчи сессия муҳокамасига хўжалик ва маданий қурилишга доир 3 масала қўйилган, броқ бу масалани муҳокама қилишда биронта ҳам депутат қатнашмаган.

Меҳнаткашлар депутатлари посёлка Советининг доимий комиссиялари яхши ишламайди, уларнинг иш планлари йўқ. Посёлка Совети эса уларнинг фаолиятини яхшилаш чораларини кўрмаган ва доимий комиссияларнинг ишини тез-тез муҳокама қилиб турмаган. Қуйичирчиқ район Совети ижроия комитети посёлка Советига қониқарсиз раҳбарлик қилиб, унинг ишини яхшилашга етарли ёрдам бермаган.

Яқинда посёлка Советининг ўнинчи сессияси бўлди. Сессия Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг 1956 йил 23 январьдаги «Ўзбекистон ССР бешйиллиги» совхози посёлка Советида ташкилий-оммавий ишларнинг аҳволи ҳақида» деб чиқарган қарорини муҳокама қилди. Докладчи Ўртоқ Уткин ва сессияда сўзга чиққан депутатлар шу ўтган бир ой мобайнида бирқанча ишларнинг амалга оширилганлигини та'кидлаб ўтдилар. Доимий комиссияларнинг иш фаолияти ошган, кўп депутатлар ўз сайловчилари олдида қилган ишлари юзасидан ҳисобот берган. Доимий комиссиялар иш плани тузиб чиққанлар. Сайловчиларни қабул қилиш учун депутатлар хонаси ташкил қилинган. Халқ маорифи, соғлиқни сақлаш, бюджет ва қишлоқ хўжалик доимий комиссиялари ўз ишларини жонлантириб юбордилар. Посёлка Совети ва унинг депутатлари кўклам экиш кампаниясига намунали тайёргарлик кўриш масаласини муҳокама қилишга киришдилар.

Депутат Инамов посёлка Советида меҳнаткашларнинг ариза ва шикоятларини оқибатсиз қолдириш ҳоллари рўй бераётганини кўрсатиб ўтди. У айтдики, меҳнаткашларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш ҳам ёмон уюштирилган, янги қурилган уй-жой бинолари талабга жавоб бермайди.

— Совхозда, — дейди ўртоқ Инамов,— физкультура ва спортни ривожлантиришга ҳечким аҳамият бермаётир. Савдо-сотиқ ва умумий овқатланиш муассасаларига иккинчи даражали иш деб қаралмоқда. Район ижроия комитетининг раҳбарлари посёлка Советига суст раҳбарлик қилаётирлар.

Совхоз посёлка Советига қарашли Красин номли колхоз партия ташкилотининг секретари, депутат Капикина колхоз қишлоғида клуб йўқлиги ҳақида гапирди. Посёлка Совети томонидан ташкил этилган кутубхона эса китобхонлар талабига жавоб бермайди.

— Мен совхозда кўп йиллардан бери ишлайман, — дейди бригада бошлиғи Ўртоқ Тўйчиев. Лекин ана шу вақт ичида совхоз бўйича пахта тайёрлаш плани бажарилмай келади. Посёлка Советининг қишлоқ хўжалик доимий комиссияси бунинг сабаби билан ҳатто қизиқмади ҳам.

Сўзга чиққанлардан Ўртоқ Кўчқоров Ўзбекистон ССР Совхозлар министрлигини кадрларни танлаш ва уларнинг жой-жойига қўйишдаги нотўғри услуби ҳақида гапирди. Сессияда ҳаммаси бўлиб 13 киши сўзга чиқди. Уларнинг кўпчилиги посёлка Советининг чорвачиликни ривожлантиришга э'тибор бермаётганлиги ҳақида гапирди. Улар совхозда жамоат чорва молларининг кўп бўлишига қарамай, яйловлар ташкил этишда йўл қўйилаётган камчиликларни очиб ташладилар. Сессия танқид ва ўз-ўзини танқид белгиси остида ўтди.

Сессияда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари Ўртоқ В. Содиқова қатнашди.

Сессия муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

Тошкент универмагида

Шу кунларда Тошкент Главунивермагида аҳоли учун баҳор ва ёз мавсумларига оид кўплаб товар маҳсулотлари сотилмоқда.

Бу йил универмагда аҳолига саноат товарлари маҳсулоти билан савдо қилиш хизматини янада яхшилаш мақсадида бирқанча тадбирлар амалга оширилди. Хотин-қизлар учун тайёр тикилган кўйлаклар салони очилди. Салонда ипаклик, шерсть, маркизет ва штапель материаллардан тикилган 50 дан ортиқ модадаги аёллар кўйлаклари, блузкалари ва халатлари бор. Сифатли ва ҳушбичим қилиб тикилган бу тайёр кийимлар харидорлар дидига жуда мос келмоқда.

Универмагда харидорлар истаган нарсаларни витринадан танлаб олишлари ва нархларини аниқлашлари учун қулай шароит яратилган. Уй-рўзғор асбоблари ва нафис гуллар тикилган дастурхон, салфетка каби буюмларни сотучисиз харид қилиш учун махсус хоналар ташкил қилинди.

Шаҳарда универмагнинг филиаллари ҳам ортиб бормоқда. Яқинда очилган Навоий кўчасидаги 5-нчи филиалда уй-рўзғор асбоблари ва мебельлар сотилмоқда.

М. ЗИЁМУҲАМЕДОВА.

Янги бадиий ҳаваскорлар тўгараги

Ўртасарой район соғлиқни сақлаш бўлими ҳузурида бадиий ҳаваскорлар тўгараги ташкил қилинди. Тўгаракка 30 дан ортиқ район врачлари, ҳамширалар, мактаб ўқитучилари, ишчи ҳамда хизматчилар қатнашмоқда. Тўгарак қатнашчилари музика асбобларида турли куйларни чалишни ва хор бўлиб айтиладиган қўшиқларни, шунингдек ҳархил рақсларни ўрганмоқдалар.

Б. СУЛТОНОВА.

Қиска сатрларда

* **Верхне-волинск** районида янги электростанция қурилиб, ишга туширилди. Районнинг марказий кўчалари ва меҳнаткашларнинг уйлари электр нурлари билан ёритилди.

К. Қурбонбоев.

* **Оржоникидзе** район Қибрай қишлоқ Советида турли саноат моллари билан савдо қилучи иккита магазин очилди, катта ошхона, нонвойхона бинолари қурилди.

Б. Турлибеков.

* **Велико-Алексеевск**, — Верхне-волинск маршрути бўйича 3 та пассажир автобус машина қатнайбошлади. Шунингдек, Верхне-волинск районидаги Ленин номли колхозга алоҳида автобус қатнаётир.

К. Кўчқоров.

* **Тошкент** қишлоқ хўжалик институтида ДОСААФ комитетининг ташаббуси билан мотоцикл тўгараги ташкил қилинди. Тўгарак ихтиёрига 4 та мотоцикл берилди. 35 студент мотоцикл ҳайдашни ўрганмоқда.

О. Тиловбердиев.

* **Чирчиқ** шаҳрида «Отдих» деган катта кафэ очилди. Кафэнинг кенг ва катта зали зарур жиҳозлар билан тўла та'минланиб, чиройли қилиб безатилган. Кафэ лаззатли таомлар, кофе ва какао билан савдо қилмоқда.

Т. Сихарулидзе.

* **Бекобод** районидаги Молотов номли колхозда янги тегирмон қурилди. Бу тегирмон Каганович номли, Маленков номли, Мичурин номли колхоз меҳнаткашларига ҳам хизмат қилмоқда.

Н. Шербеков.

Кўкламги экишга ҳамма нарсани тахт қилиб қўяйлик!



Уртачирчиқ районидаги 1-нчи МТС механизаторлари трактор культиваторлар ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари ремонтини, сеялкаларни қайта ускуналаш ишларини муддатидан олдин муваффақиятли тугалладилар. Суратда: (чапдан) бригада механиги ёрдамчиси А. Болтабоев, универсалчи А. Аширбоев ўртоқлар трактторга культиваторни монтаж қилаётирлар.

В. Салов фотоси.

Қишлоқ хўжалик заказларининг ўз вақтида бажарилишига аҳамият берилсин

Ўтган йили областимизда пахта тайёрлаш давлат плани муддатидан илгари оширибе бажарилди. Меҳнатда яхши натижаларни қўлга киритган колхозчилар, совхоз ишчилари ва МТС механизаторлари 1956 йилда ҳам пахтадан юқори ҳосил етиштириш учун зарур тайёргарлик ишларини барвақт бошлаб юбордилар. Айрим районларнинг кўпгина колхозларида кузги шудгорлаш арта тамомланди, далага кўп миқдорда маҳаллий ўғит чиқарилди, ариқзовур ва бошқа сугориш иншоотчалари тозаланмоқда. Кўкламги экиш кампаниясига тайёргарлик ишлари кун сайин қизимоқда. Ҳадемай қиши билан семириб чиққан бўрсилдоқ ерларга чигит тушади.

Ўтган йили бўлиб ўтган қишлоқ хўжалик илғорларининг республика кенгаши қатнашчилари КПСС Марказий Комитети ва ССР Иттифоқи Министрлар Советига Мактуб ёзиб, республика қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоғи—пахтачиликни янада ривожлантириш юзасидан ўз эътиборларига юксак мажбурият олдилар. Олинган мажбуриятнинг сўзсиз бажарилиши учун бошланган кураш саноат корхоналари коллективларининг, даставвал қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводлари коллективларининг эммасига гоят катта вазифаларни юклайди. Бу корхоналар пахтачиликда прогрессив усулларни кенг қўллаш, чигитни торқаторлаб ва квадрат-уялаб экадиган ҳамда гўзаларни узунасига ва кўндаланигига ишлаш имконини берувчи машиналар учун зарур бўлган запас қисмлар ва мавжуд машиналарни агротехниканинг талабдари асосида қайта мослаш учун детальлар етказиб беришлари керак.

Қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводлари ҳамда бошқа корхоналар билан қишлоқ хўжалик органлари ўртасида етарли миқдорда запас қисмлар ишлаб чиқариш ҳақида шартнома тузилган. Броқ шуни айтиш керакки, культиваторлар, сеялкалар ва шунга ўхшаш қишлоқ хўжалик машиналарини янги агротехника талаблари асосида қайта мослаш учун совхоз ишчилари ва МТС механизаторлари 1956 йилда ҳам пахтадан юқори ҳосил етиштириш учун зарур тайёргарлик ишларини барвақт бошлаб юбордилар. Айрим районларнинг кўпгина колхозларида кузги шудгорлаш арта тамомланди, далага кўп миқдорда маҳаллий ўғит чиқарилди, ариқзовур ва бошқа сугориш иншоотчалари тозаланмоқда. Кўкламги экиш кампаниясига тайёргарлик ишлари кун сайин қизимоқда. Ҳадемай қиши билан семириб чиққан бўрсилдоқ ерларга чигит тушади.

Ўтган йили бўлиб ўтган қишлоқ хўжалик илғорларининг республика кенгаши қатнашчилари КПСС Марказий Комитети ва ССР Иттифоқи Министрлар Советига Мактуб ёзиб, республика қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоғи—пахтачиликни янада ривожлантириш юзасидан ўз эътиборларига юксак мажбурият олдилар. Олинган мажбуриятнинг сўзсиз бажарилиши учун бошланган кураш саноат корхоналари коллективларининг, даставвал қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводлари коллективларининг эммасига гоят катта вазифаларни юклайди. Бу корхоналар пахтачиликда прогрессив усулларни кенг қўллаш, чигитни торқаторлаб ва квадрат-уялаб экадиган ҳамда гўзаларни узунасига ва кўндаланигига ишлаш имконини берувчи машиналар учун зарур бўлган запас қисмлар ва мавжуд машиналарни агротехниканинг талабдари асосида қайта мослаш учун детальлар етказиб беришлари керак.

Қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводлари ҳамда бошқа корхоналар билан қишлоқ хўжалик органлари ўртасида етарли миқдорда запас қисмлар ишлаб чиқариш ҳақида шартнома тузилган. Броқ шуни айтиш керакки, культиваторлар, сеялкалар ва шунга ўхшаш қишлоқ хўжалик машиналарини қайта ускуналаш ва ремонт қилиш ишларини чўзиб юбормоқда. «Чирчиқсельмаш» заводининг хўжалик раҳбарлари, партия ва касаба союз ташкилотлари запас қисмлар ва детальлар тайёрлаш юзасидан берилган топшириқнинг ўз муддатида бажарилишини та'минлаш имконини беручи зарур тадбирларни яқин кунлар ичида амалга оширишлари лозим.

«Ўзбексельмаш» ва «Ташсельмаш» заводларида ҳам детальлар ва запас қисмлар тайёрлаш юзасидан берилган топшириқлар жуда қониқарсиз бажарилмоқда. «Ўзбексельмаш» заводи турли хил машиналар учун тайёрлаши керак бўлган 5000 дона шестернядан бор-йўғи 2375 донаси тайёрланган. 1000 дона втулка, 6000 дона стопар гилдирак ва 7000 дона ярим ўқ, шунингдек бошқа хил қисмлар тайёрлаш юзасидан берилган топшириқ корхона раҳбарларининг (директори Ўртоқ Стикайло) диққат э'тиборидан четда қолиб кетмоқда.

Ворошилов номидаги «Ташсельмаш» заводида (директори Ўртоқ Оттигашев) ҳам қатор деталь ва узеллар ишлаб бериш белгиланган эди. Броқ ҳануэгача белгиланган детальларнинг бирортасини ҳам ишлатга киритилмаган. Бу завод қишлоқ хўжалиги учун машиналар ишлаб чиқаришда пахтакорларимизга танилган корхоналардан бири ҳисобланади. Шундай экан, зарур детальларни тайёрлаш учун завод коллективига нима ҳалақит бермоқда? Пахтакорларимиз кўклам экин кампаниясига қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Улар қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводларининг коллективларидан сеялка, культиватор ва бошқа хил машиналарга запас қисмлар ва детальлар кутмоқдалар.

Кунлар исиб, кўклам яқинлашмоқда. Машинасозлик заводларининг раҳбарлари қисқа вақт ичида мавжуд имкониятлардан кенг фойдаланиб, коллективни қишлоқ хўжалик заказларини шараф билан бажаришга сафарбар қилишлари керак.

Т. УНАБОЕВ.

Соҳибкорнинг юбилейи

Яқинда Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг боғида уста соҳибкор Ризамат ота Мусамуҳамедовнинг туғилганига 75 йил, узумчиликни ривожлантиришдаги ишларига 60 йил тўлган куни нишонланди. Пигилишнинг республика, область, район, совхозларининг, колхоз, совхозларнинг ҳамда илмий-текшириш муассасаларининг вакиллари қатнашдилар. Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрининг ўринбосари Ўртоқ М. Исамуҳамедов юбилярни табрик қилиб, унинг узумчилик, боғдорчилик соҳасидаги ишлари ҳақида йиғилиш қатнашчиларига сўзлаб берди.

Ўртоқ Ризамат Мусамуҳамедов 1882 йилда Тошкентда туғилди. Унинг отаси Мусамуҳамад Шамсимуҳамедов ҳам узумчилик соҳасида узоқ давр ишлаб келган соҳибкор эди. У ўғли Ризаматга ҳам узумчилик касбини ўргатабошлайди. Ота касбини эгаллашга зўр муҳаббат қўйган Ризамат узумчилик ҳунарини қунт билан эгаллашга киришиб катта малака ҳосил қилади.

Ризамат ота Улуғ Октябрь революциясига қадар вино саноатчиларининг токзорларида ишлаб келади. Бойлар хўжалигидаги шароит соҳибкорнинг ўсиши, узумчилик соҳасида ижодий юксалишига имкон бермас, балки унинг ташаббусини бўғиб қўяр эди.

Буюк Октябрь социалистик революциясидан кейингина Ризамат отанинг зўр фаолият кўрсатиб ишлаши учун йўл очилади. Партия ва ҳукуматимиз меҳнаткашларнинг билим даражасини ошириш, уларнинг ижодий иш қилишлари учун барча шароитларни яратиб бердилар. Ризамат ота 1922 йилда Оққовоқ тажриба станциясига чақирилиб, унга бу ерда янги, маданий токзор барпо қилиш иши топширилади. Соҳибкор зўр ғайрат билан ишга киришади ва тажриба ишларини олиб боради. 1937 йилга келгач станциянинг Ризамат ота қўли билан барпо этилган токзор майдони 40 гектарга етади ва йилсайин мўл ҳосил берадиган бўлиб қолади.

Ризамат ота амалий ишларни олиб бориш билан бирга ўз билими ва тажрибасини ошириш учун ҳам доим ҳаракат қилади. Агробиологиянинг амалий қоидаларини кундалик ишларида қўлланиб, узумчиликда бирқанча янгиликларни яратади ва иш методларини такомиллаштиради.



Суратда: Р. Мусамуҳамедов тажриба боғида.

Ризамат отанинг узумчилик практикасида яратган муҳим янгиликларидан бири, унинг ток кесиш ва ток тупларига шакл бериш методларидир. Бу методни Ризамат ота токзорларда илғор агротехникани қўллашда ҳам анча меҳнат қилди. Бунда у токзорларда асосий ишларни кенг миқ'ёсда машиналаштиришни биринчи ўринга қўяди. Аммо токзор ишларини машиналаштириш учун эскидан қўлланиб келинган ишком ҳамда сўрилар ноқулайлик қилар эди. Ризамат ота ишком, сўрилардан тамомила воз кечиш, эски шпалер усулини тубдан қайта қуришни таклиф этади. Бунда у кўчат ўтказиш, қатор ораларини ишлаш, ток кўмиш ва очишни механизациялаштиришни кўзда тутади. Соҳибкор ток қатор ораларини бирмунча кенгайтириш, ток тупи ҳосил новдаларини кўпайтириш мақсадида пешпшалер системасини қўлланади. Ҳозир кўпгина хўжаликларда токлар ана шу усулда кўтаришмоқда. асосий ишлар машина билан бажарилаётир.

Илғор агротехника шароитида ток тупи ҳосилдорлигини янада ошириш мумкин бўлади. Ризамат ота токда ҳосил новдаларини кўпайтириб, уларни қўш қаватли пешпи шпалерга кўтаришни таклиф этди.

Областимиз колхоз, совхозларида, айниқса янги ерларда токзор ва боғлар барпо этишда ҳам Ризамат ота яхши ташаббус кўрсатмоқда. Унинг бевосита иштироки билан кейинги йилларда областимизда 1.000 гектардан кўпроқ майдон токзор қилинди.

Ўртоқ Ризамат Мусамуҳамедов узумчилик соҳасидаги муваффақиятлари учун 1952 йилда Сталин мукофоти лауреати деган юксак номни олишга муяссар бўлди. У Ленин орден, иккита «Меҳнат қизил байроқ» ордени, Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкаси Бош Комитетининг Катта ва Кичик олтин медальларини олишга эришди.

Ризамат ота Мусамуҳамедовнинг юбилей йиғилишида область, район партия ва совет ташкилотларининг вакиллари ва бошқалар юбилярни табрикладилар. Йиғилиш охирида юбилярга Ўзбекистон ва Қирғизистон Қишлоқ хўжалик министрликлари ва бошқа ташкилотлар томонидан қимматбаҳо мукофотлар берилди.

Квадрат-уялаб чигит экиш — мўл ҳосил гаровидир

Ўртоқ Мадраим Юнусов 25 йилдан бери Оққўрғон районидаги «Ленинобод» колхозида раислик қилади. У, колхоз а'золарининг пахтадан мўл ҳосил етиштириш, жамоат чорвачилигини ривожлантириш ва унинг маҳсулдорлигини ошириш йўлидаги курашларига муваффақиятли раҳбарлик қилиб келмоқда.

Колхоз ўтган йили кўпгина ерга квадрат-уялаб чигит экди. Гўзалари иккитомонлама сифатли парвариш қилинган пахта майдонларида мўл ҳосил етиштирилди. Ҳалол ва фидокорона меҳнат қилган колхоз а'золари квадрат-уялаб ўстирилган 474 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 34 центнердан, ҳамма пахта майдонидан эса 27,5 центнердан ҳосил олишга эришдилар.

«Ленинобод» колхози районда кўпторможли, илғор колхозлардан бири ҳисобланади. Пахтакорлар ҳар йили давлат мажбуриятларининг ҳамма турлари бўйича планни ортиғи билан бажариб келмоқдалар.

Колхозда ўтган қишлоқ хўжалик йили катта муваффақиятлар билан якунланди. Бир йилги даромад 6 миллион 390 минг сўмга етди. Колхозчиларнинг ҳарбир меҳнат кунига 11 сўм 83 тийиндан пул, 2,5 килограммдан галла тақсимланди.

Даромад ошган сари колхозчилар турмуши бой ва маданий бўлиб бормоқда. Ўтган йилнинг ўзида 1 миллион сўм сарф қилиниб, қишлоқ марказида ҳашаматли клуб биноси қурилди, колхоз идораси, ўрта мактаб, болалар боғчаси бинолари қад кўтарди, 80 дан ортиқ хўжалик янги қурилган участкаларга кўчирилди. Колхознинг ўзида ГЭС ишга туширилиб, бутун қишлоқ электр нурлари билан ёритилди.

Жонажон партиямизнинг XX с'езди қарорларига жавобан колхоз пахтакорлари янада гайрат билан фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Колхозда шу кунгача ариқ ва зовур қазиш ишлари тамомланди, далага маҳаллий ўғит ташиб чиқариш қизғин давом этмоқда. Ички суғориш тармоқлари тозаланиб қўйилди. 2420 тонна маҳаллий, 940 тонна минерал ўғит тайёрланди.

Д. СОДИҚОВ.

Пахтакорларнинг меҳнат ғайрати

Барча совет халқлари қатори Янгийўл районидаги Сталин номли колхозининг а'золари КПСС Марказий Комитетининг XX с'езди материалларини зўр сиёсий кўтаринкилик билан кутиб олдилар.

Колхозда Мирзаахмедов ва Раҳметов ўртоқлар мудирлик қилаётган агитпунктларнинг Д. Сотимов, Ю. Толипов, У. Са'диев, М. Ҳожибоев ўртоқлар сингари агитаторларидан 36 киши с'езд материалларини колхоз а'золарига ўқиб эшитдирмоқдалар.

— Партиямизнинг XX с'езди, — дейди колхоз партия ташкилотининг секретари Ўртоқ Ма'далиев, — Улуғ Ватанимизда халқимизнинг коммунизм қуришдаги олампшумул ғалабаларини мустаҳкамлаш ва халқ хўжалиги ҳамда маданият соҳасида янада катта-катта муваффақиятларни қўлга киритиш йўлларини кўрсатиб берди.

— Ўтган тўрт ярим ой ичида, — дейди колхоз бош зоотехниги Ўртоқ А. Рентюк, — колхоз сигирчилик фермасида 122395 литр сут согиб олишга эришилди, я'ни ҳарбир сигирдан 857 литрдан сут согиб олинди. Колхознинг илғор сут соғувчиларидан Ф. Яҳ'ёева, О. Имомназарова Ўртоқлар ўзларига бириктирилган ҳарбир сигирдан 1100—1200 литрга етказиб, сут согиб олдилар. Бу йил биз ҳарбир сигирдан камида 2850 литрдан сут согиб оламиз.

Митингда илғор бригада бошлиқларидан И. Иногамов, О. Хусанов, шоферлардан М. Маматқулов Ўртоқлар ҳам сўзга чиқиб, колхозчиларнинг юрак сўзларини ифодалаб, бу йил 1164 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан жонажон Ватанимизга 34 центнердан ҳосил етказиб бериш ҳақида мажбурият олишни таклиф қилдилар. Митинг қатнашчилари бу таклифни яқдиллик билан қабул қилдилар.

Ҳозир колхоз а'золари Ватан олдида олган мажбуриятларини шараф билан бажариш мақсадида гайрат билан меҳнат қилмоқдалар. Ички суғориш тармоқлари тозаланиб қўйилди. 2420 тонна маҳаллий, 940 тонна минерал ўғит тайёрланди.

Д. СОДИҚОВ.

КПСС XX с'езди материалларидан илҳомланиб

ЧИНОЗ. Ўтган йили 800 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 31 центнердан ҳосил олган «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхозининг а'золари КПСС XX с'езди материалларидан илҳомланган ҳолда бу йил мавжуд пахта майдонларининг ҳар гектаридан жонажон Ватанимизга ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил етказиб бериш учун ўз зиммаларига катта мажбурият олдилар.

Шу кунларда азамат пахтакорлар барча экин майдонларига чигитни квадрат-уялаб ва торқаторлаб экишга пухта тайёргарлик кўрмоқдалар. Ариқ-зовурларни тозалаш, баланд-паст ерларни текислаш, далага маҳаллий ўғит ташиб чиқариш қизғин давом этмоқда. Ўзаро социалистик мусобақа байроғини янада баланд кўтарган колхоз а'золари ўз аҳдларининг устидан чиқиш учун ҳалол ва фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

К. ҚУРБОНБОЕВ.

Янгиерлилар аҳди

ВЕРХНЕ-ВОЛИНСК районидаги Карл Маркс номли колхоз а'золари Мирзачўл ерларини йилсайин кўпроқ ўзлаштириб, пахта майдонини тобора кенгайтирмоқдалар. Колхозчилар янги ерда механизацияни кенг қўлланиб, пахта ҳосилини ҳам ошираётирлар.

Колхоз пахтакорлари ва шу колхозда ишлаётган механизаторлар партиямизнинг XX с'езди материалларини пухта ўрганиб, кўрсатиб, берилган вазифаларни шараф билан бажариш мақсадида кўкламги тайёргарлик ишларини кучайтирмоқдалар. Далага маҳаллий ўғит чиқариш, ариқ ва эсвурларни тозалаш, увотларни текислаш, қишлоқ хўжалик машина-асбобларини ремонт қилиш ишлари жадал сур'ат билан олиб борилмоқда.

Социалистик мусобақа илғори бўлган М. Жалилов, Ж. Бадалов ўртоқлар бошлиқ бригадаларнинг а'золари бу йил гектаридан 40—45 центнердан ҳосил етиштириш тўғрисидаги мажбуриятларини муваффақиятли бажариш учун дала ишларини сифатли ўтказмоқдалар.

980 гектар ернинг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олган Карл Маркс номли колхоз а'золари ҳозирги кунларда янада зўр ғайрат билан меҳнат қилиб, кўклам экиш кампаниясига ҳартарафлама пухта тайёрланмоқдалар.

М. АҒАЛИЕВ,
У. МАМАСОЛИЕВ.

Совет халқининг коммунизмга бориш йўлидаги иш программаси

☆ ☆ ☆ ☆

КПСС XX с'ездининг якунлари тўғрисида четэлларда баён қилинган фикрлар

ПОЛЬША

ВАРШАВА, 29 февраль. (ТАСС). Польша газеталари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XX с'езди ўз ишини тамомлаганлигига бағишлаб мақолалар босмоқдалар.

С'езд қабул қилган қарорлар, деб ёзади «Жолнеж вольности» газетаси, Советлар мамлакатининг янада ривожланиши учун ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Бу қарорлар халқаро аҳволнинг ривожланишига ҳам катта та'сир кўрсатади.

КПСС XX с'езди, деб уқтириб ўтилади мақолада, Совет Иттифоқининг бундан кейинги ташқи сиёсатини — тинч-тотув яшашдан, халқлар ўртасида алоқани мустаҳкамлашдан, давлатлар ўртасида ишончни кучайтиришдан иборат ленинча сиёсатни белгилаб берди. Шу билан бирга КПСС XX с'езди тинчлик душманларининг кирдикорларини ҳуш'ёрлик билан кузатиб туриш ва фош қилиш зарурлигини уқтириб ўтди. XX с'езднинг Совет Иттифоқининг асосий иқтисодий вазифалари ҳақидаги кўрсатмалари ғоят катта аҳамиятга эгадир. СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг олтинчи бешйиллик плани тўғрисида с'ездда қабул қилинган Директиваларнинг бажарилиши Совет Иттифоқининг асосий иқтисодий вазифасини амалга ошириш йўлида олдинга қараб қўйилган катта қадам бўлади. Олтинчи бешйиллик план тўғрисидаги Директивалар совет халқининг коммунизмга бориш йўлидаги иш программасини белгилаб берди.

КПСС XX с'езди, деб давом этдиради газета, социалистик системанинг капиталистик системадан афзаллигини яққол кўрсатди. Коммунистик партиянинг буюк кучини ва марксизм-ленинизм ғолиб идеяларининг ҳаётбахш қудратини кўрсатди.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XX с'езднинг якунлари, деб ёзади «Жице Варшави» газетаси инсоният олдида янги перспективаларни очиб беради.

АЛБАНИЯ

ТИРАНА, 29 февраль. (ТАСС). Албания матбуоти Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XX с'езднинг иш якунларини шарҳлаб ёзмоқда. «Зери и ринис» газетаси бугун бошмақоласида шундай деб уқтириб ўтмоқдаки, КПСС XX с'езди фақат совет халқининг ҳаётидагина эмас, балки кўпмиллионли бутун тинчлик лагери ҳаётида ҳам жуда муҳим тарихий воқиадир. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XX с'езднинг материаллари, дейилади мақолада, қардош коммунистик ва ишчи партиялар учун бебаҳо ҳазинадир, халқларнинг тинчлик учун олиб бораётган курашида битмас-туганмас куч манбаидир.

Сўнгра газета, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XX с'езди марксизм-ленинизмни ижодий ривожлантиришнинг намунаси бўлиб хизмат қилади, деб ёзади.

Газета СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг олтинчи бешйиллик плани тўғрисида с'езд қабул қилган Директиваларга тўхталиб, бу Директивалар Совет Иттифоқининг экономикасини ва маданиятини янада жадаллик билан ўстиришни, совет халқининг фаровонлигини доимо юксалтириб боришни та'минлайдиган жанговар программадир, деб ёзади.

«Зери и ринис» газетаси ўз мақоласининг охирида, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XX с'езди албан халқига ва Албания меҳнат партиясига социализм қуриш йўлини нур сочиб ёритиб берди деб уқтириб ўтмоқда.

ГЕРМАНИЯ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ

БЕРЛИН, 29 февраль. (ТАСС). Германия Демократик Республикасининг матбуоти Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XX с'езднинг якунларини кенг шарҳлаб ёзмоқда.

КПСС XX с'езднинг материаллари, деб ёзади «Нейес Дейчланд» газетаси бошмақоласида, шундай қимматли хазинадирки, у Германия бирлашган социалистик партиясининг кундалик ишини ҳам, айниқса Германия Демократик Республикасининг иккинчи бешйиллик плани муҳокама қилинаётган ҳозирги вақтда, ўз идеялари билан бойитади.

Газета, КПСС XX с'езднинг материалларини чуқур ўрганиш зарур, токи КПССнинг ва бутун совет халқининг тажрибаси ГДРдаги қурилишда амалий равишда ижодий татбиқ қилинсин, деб уқтириб ўтади.

Германия либерал-демократик партиясининг марказий органи «Дер Морген» газетасининг редакцион мақоласида уқтириб ўтиладики, ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг ҳисобот докладида ҳозирги халқаро аҳвол равшан реалистик асосда анализ қилиб берилди.

ҲИНДИСТОН

ДЕҲЛИ, 29 февраль. (ТАСС). Оллоҳободда чиқадиган «Бхарат» газетаси Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XX с'езднинг якунларини шарҳлаб, совет раҳбарлари КПСС XX с'ездида сўзлаган нутқларида бошқа мамлакатлар билан дўстлик муносабатларини мустаҳкамлаш зарурлигини алоҳида уқтириб ўтдилар, деб ёзмоқда. Газетанинг обзорчиси, совет раҳбарларининг бошқа мамлакатлар билан дўстона алоқаларни мустаҳкамлаш масаласи ҳақидаги баёнотлари ҳамма жойда табриклаб кутиб олинади деб қайд қилиб ўтмоқда.

Бомбайда чиқадиган та'сирли ҳафталик «Экономик уикли» журнали ёзадики, Коммунистик партиянинг с'ездида «Россиянинг ташқи сиёсати асосланган панча шила принциплари асосида тинч-тотув яшаш» тўғрисида муҳим қарорлар қабул қилинди...

«Тинч-тотув яшаш. — деб ёзади журнал, — конкуренция йўли билан тотув яшаш деган сўз бўлади». Журнал, СССР дун'ёда чет мамлакатларга товарлар ва техника мутахассислари чиқарадиган йирик давлат бўлиб қолади, деб қайд қилиб сўнгра бундай деб ёзади: «Россия ўзининг иқтисодий сиёсатида аввалгича оғир саноатга зўр беради. Лекин у тезда етарли миқдорда исте'мол товарлари ҳам ишлаб чиқарадики, бу эса унга аҳолининг турмуш даражасини оширишга имкониятини беради. Тинч-тотув яшаш Россиянинг ана шундай иқтисодий сиёсатини юргизишига ёрдам беради. Микоянниинг с'ездда сўзлаган нутқида Коммунистик Россиянинг тез орада иқтисодий жиҳатдан Американи қувиб етишига, сўнгра ундан ўтиб кетишига ишонганлик яққол сезилди».

ИНДОНЕЗИЯ

ПЕКИН, 29 февраль. (ТАСС). Синьхуа агентлигининг мухбири Жакартадан хабар беради: «Харианрақьят» газетаси КПСС XX с'езднинг якунларига бағишланган мақоласида, с'езд қарорлари «совет халқи билан ҳукуматнинг сиёсий ва ма'навий жиҳатдан яқдил эканлигини яна бир марта исботлади» деб ёзади. Шу билан бирга газета, олтинчи бешйиллик план тўғрисидаги Директивалар социалистик системанинг мустаҳкамлигини кўрсатади, социалистик системада кризислар, ишсизлик ва қашшоқлик йўқ, деб уқтириб ўтмоқда.

Газета ташқи сиёсат масаласига тўхталиб бундай деб ёзади: Ҳатто коммунизмга қўшилмаган кишилар ҳам, Совет Иттифоқи тинчликни ҳимоя қилишда уларнинг содиқ дўсти эканлигига ишоналадилар. «Бу с'ездан кейин Совет Иттифоқи бутун дун'ё халқлари ўртасида янада кўпроқ обрў қозонади».

«Харианрақьят» газетаси, КПСС Марказий Комитетининг ҳисобот доклади революцион тажрибани умумлаштиришдан ва марксизм-ленинизмни ривожлантирувчи янги ижодий қоидаларни ўртага қўйишдан иборат бўлди, деб ёзмоқда.

ШВЕЦИЯ

СТОКГОЛЬМ, 29 февраль. (ТАСС). Швеция социал-демократик партиясининг органи «Моргон-тиднинген» газетаси КПСС XX с'езднинг якунларига бағишланган бошмақоласида с'езднинг катта аҳамиятга эга эканлигини уқтириб ўтмоқда.

Газета Ғарбда кўпинча Совет Иттифоқининг муваффақиятларига етарли баҳо берилмаётганлигини қайд қилиб, Совет Иттифоқи йирик капитал харажатлар натижасида дун'ёда энг катта саноат давлатларидан бирига айланиб бормоқда, деб ёзади. Ғарбда, деб давом этади газета, шунчалик кўп хатоларга йўл қўйилди ва совет сиёсати ҳақида шунчалик кўп хато хулосалар чиқарилдики, ҳозир интилиш ва имкониятларга реалистик равишда баҳо берадиган пайт келди.

ФИНЛЯНДИЯ

ХЕЛЬСИНКИ, 29 февраль. (ТАСС). «Ню тид» газетаси КПСС XX с'езднинг якунларини шарҳлаб, унинг ғоят катта тарихий аҳамиятга эга эканлигини қайд қилиб ўтмоқда. С'езд, деб ёзади газета, Совет Иттифоқида ҳам, унинг ташқарисида ҳам кўп йиллар мобайнида тараққиётга та'сир кўрсатиб туради.

Газетанинг ёзишича, Марказий Комитетнинг Н. С. Хрушчев қилган ҳисоботи ажойиб ҳужжат бўлиб, унда тинч-тотув яшаш проблемаси муфассал баён қилинган ва халқаро проблемаларни тинч ҳал этиш йўли белгиланган. «Ню тид» газетаси олтинчи бешйиллик план Совет Иттифоқини ривожлантиришнинг ғоят катта перспективаларини очиб беради, деб ёзади.

Тиранада КПСС XX с'ездига бағишланган митинг

ТИРАНА, 29 февраль. (ТАСС). Бугун бу ерда Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XX с'езди ўз ишини тамомлаганига бағишланган меҳнаткашларнинг кўпминг-кишилик митинги бўлди.

Йиғилганлар Албания меҳнат партияси Марказий комитетининг биринчи секретари Анвар Хўжа, Министрлар совети раиси Мехмед Шеху, Албания меҳнат партияси Марказий комитети Сиёсий бюроси а'золари Хюсни Капо, Бекир Балуку, Гого Нушӣ, Спиро Колека митингда пайдо бўлганларида митинг қатнашчилари уларни самимий кутиб олдилар.

Митингда халқ демократияси мамлакатлари дипломатия ваколотхоналарининг бошлиқлари, шунингдек СССРнинг Албаниядаги муваққат ишлар вакили М. Я. Хошев ҳозир бўлдилар.

Митингни Албания меҳнат партияси Тирана область комитетининг биринчи секретари Фитиерете Шеху очди.

Сўнгра Албания меҳнат партиясининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XX с'ездида ҳозир бўлган делегациясининг бошлиғи Анвар Хўжа нутқ сўзлади. У бундай деди:

КПСС XX с'езди фақат совет халқининг тарихигагина эмас, балки бутун инсониятнинг тарихига ҳам кирди. С'езд ёркин маш'ал каби, Совет мамлакатига ва дун'ёдаги барча халқларга фаровон ҳаёт йўлини, тинчлик йўлини ёритиб турибди. КПСС XX с'езди партия ва Совет давлатининг мустаҳкам бирлигини, Совет Иттифоқининг сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳаларда XIX с'езд ёки XX с'езд ўртасидаги даврда эришган катта галабаларини ёркин намойиш қилди. С'езд совет халқининг муқаддас тинчлик иши учун, кишиларни ҳалокатдан сақлаб қолиш, я'ни империалистик доиралар инсониятни дунёр қилмоқчи бўлаётган ҳалокатдан сақлаб қолиш учун олиб бораётган қаҳрамонона курашини кўрсатди. Совет Иттифоқининг тинчлик сиёсатини бутун дун'ёда юз миллионларча киши э'тироф қилди ва қўллаб-қувватлади.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев докладида ўртага қўйилган принципиал назарий қоидалар, деди ўз сўзини давом этдириб Анвар Хўжа, инсониятнинг тинчлик учун, социализм ва коммунизм қуриш учун олиб бораётган курашига қўшилган бебаҳо хазинадир, марксча-ленинча назарияга қўшилган ажойиб ҳиссадир.

КПССнинг XX с'езди ва Коммунистик партиянинг ҳамда Совет давлатининг тажрибаси албан халқи ва Албания меҳнат партияси учун ҳамма вақтдагидек буюк мактаб бўлиб қолади. Биз шонли Совет Иттифоқини, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясини ва унинг Марказий Комитетини албан халқини чин қалбдан севучи энг қадрли ва содиқ дўстларимиз деб биламиз. Халқимизнинг Совет Иттифоқи халқлари билан дўстлиги абадий бўлади.

Анвар Хўжа ўз сўзининг охирида Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига, қардош совет халқига ва Совет ҳукуматига Албания меҳнаткашлари, Албания меҳнат партияси ва Албания ҳукумати номидан албан халқининг муҳаббатини ва самимий миннатдорчилигини изҳор қилди.

Митинг қатнашчилари ғоят баланд руҳ билан КПСС Марказий Комитетига табрик телеграммаси қабул қилдилар.

Совет Иттифоқининг Бирмага бераётган ёрдами тўғрисида

Бирма газетасининг ёзганлари

ПЕКИН, 29 февраль. (ТАСС). Синьхуа агентлигининг мухбири Рангундан қуйидагиларни билдиради: «Бирма стар» газетаси Совет Иттифоқининг Бирмада технологик институти қуриш тўғрисидаги таклифига бағишланган мақоласида бундай деб ёзади: «Совет ҳукуматининг бошқа мамлакатлар билан биргаликда чиқарган ўз баёнотини амалга ошириш учун тезлик билан қилаётган ҳаракати ҳурматга сазовордир». Совет-Бирма иқтисодий муносабатлари тўғрисидаги битим э'лон қилингандан кейин ўн ҳафта ўтгач, деб кўрсатади газета, Москва технологик институтнинг муфассал проектини юборди. Совет Иттифоқи Рангунда ана шу институтни қуриб беришга ва'да қилмоқда. «Бу проект ҳақиқатан улуғвор проектдир».

Лейпцигдаги халқаро кўклам ярмаркасида

ЛЕЙПЦИГ, 29 февраль. (ТАСС). Лейпцигдаги бу йилги халқаро кўклам ярмаркаси ғоят муваффақиятли ўтмоқда. Дастлабки икки кун ичидагина дун'ёдаги 50 мамлакатдан 80 мингга яқин киши, шу жумладан Германия Федерал Республикасидан 5.500 киши ярмаркани келиб кўрди. Ярмаркага келганларнинг қарийб ҳаммаси катта муваффақият қозонмоқда. ГДРнинг ташқи савдо органлари демократик лагерьдаги мамлакатлар билан битимлар тузишдан ташқари яна Финляндия, Эрон, Германия Федерал Республикаси ва бошқа мамлакатлардаги савдо-саноат доираларининг вакиллари билан ҳам бирқанча битим туздилар.

Чехословакия Республикаси павильони дирекциясининг ма'лумотларига қараганда, павильонга қўйилган машиналарнинг қарийб ҳаммаси сотилган. Ғарбий Германия, Франция, Бразилия савдо-саноат доираларининг вакиллари Чехословакиянинг саноат маҳсулотига айниқса қизиқмоқдалар.

Бошқа халқ демократияси мамлакатларининг павильонларига қўйилган товарлар ҳам анча муваффақият қозонмоқда.

Совет савдо бюросида ҳамиша кўп одам тўпланмоқда. Буерда четэл фирмаларининг вакиллари совет ташқи савдо органлари вакиллари билан савдо битимлари тузиш тўғрисида музокара олиб бормоқдалар.

Хитой савдо вакиллари дастлабки икки кун ичида турли мамлакатлардаги, шу жумладан Англия, Франция, Германия Федерал Республикаси, Швеция ва бошқа мамлакатлардаги фирмаларнинг 80 вакили билан музокара олиб бордилар.

ХАЛҚ ПАЛАТАСИДА НЕРУНИНГ ЖАВОБЛАРИ

ЛОНДОН, 29 февраль. (ТАСС). Рейтер агентлиги мухбирининг Деҳлидан билдиришича қараганда, Ҳиндистон бош министри Жавоҳарлал Неру бугун халқ палатасида Даллеснинг Ҳиндистонга қиладиган визити тўғрисида берилган саволларга жавоб қайтарган. Неру, Даллес 9 мартда Деҳлига келади ва 10 март кечқурун жўнаб кетади, деган.

Х. В. Каматх (Праджа социалист парти партияси) шундай савол берган: «Қўшма Штатлар президенти ҳали яқингагина бош министрни Қўшма Штатларга келишга таклиф этганлиги ва бош министр бу таклифни рад этганидан кейингина Қўшма Штатларнинг давлат секретари Ҳиндистонга келишни истаганлигини билдирганлиги тўғри гапми?».

Неру бундай деб жавоб қайтарган: «Бу гапга анча вақт бўлди, бундан тўққиз ой илгари бўлса керак, Қўшма Штатлар президенти ўзини етарли даражада яхши деб ҳис этган вақтида менга Қўшма Штатларга келишни таклиф этган эди. Мен бу таклифни қабул қилган эдим. Мен бу таклифни рад этган эмасман. Мен, Қўшма Штатларга боришдан жуда хурсанд бўламан, лекин узоқ келгусида бораман, деган эдим.

Шундан кейин мен Қўшма Штатлар президентини Ҳиндистонга келишга таклиф этдим. Шундан кейин сал вақт ўтгач президент бетоб бўлиб қолди. Бу воқиа кўп ойлар илгари бўлган эди ва Даллес жанобларининг Ҳиндистонга қиладиган визитига бу воқианинг ҳеч қандай алоқаси йўқ».

Чехословакия-Непал иқтисодий муносабатларига доир

ДЕҲЛИ, 29 февраль. (ТАСС). «Ҳиндустан таймс» газетасининг мухбири Катмандудан (Непал пойтахти) билдиради: Чехословакиянинг Калькуттадаги савдо вакили Чивис Непал ма'мурлари билан музокара олиб бориш учун буерга келди. Чехословакия Непалга савдо битими тузишни таклиф этди ва Чивиснинг айтишича, музокаралар муваффақиятли тамомланган тақдирда, Непалга Чехословакия савдо делегацияси келади.

Англияда социалистик лагерь мамлакатлари билан савдо-сотиқни кенгайтириш талаб қилинмоқда

ЛОНДОН, 29 февраль. (ТАСС). Кейинги вақтда Англияда социалистик лагерь мамлакатлари билан савдо-сотиқни кенгайтиришни ёқлаб чиқувчилар ва бу соҳада АҚШ талаби билан жорий қилинган чеклашларни бекор қилишни ёқлаб чиқувчилар борган сари кўпаймоқда.

«Дейли геральд» газетаси редакцион мақоласида «Роллс-ройс» фирмасининг Лейпциг ярмаркасида иштирок қилишини ва унинг барча мамлакатларга, шу жумладан Хитой Халқ Республикасига дизель двигательлари сотишга тайёр эканлигини табриклаб ёзмоқда. Газета, жумладан, Хитой билан савдо-сотиқни тақиқлаган эски қарорлардан воз кечиш пайти аллақачонлар келди, Шарқ билан Ғарб ўртасида савдо-сотиқ ҳеч қандай ғовларга дуч келмай ривожланиши лозим, деб ёзади.

АҚШ президенти Эйзенхауэрнинг матбуот конференциясида қилган баёноти

ВАШИНГТОН, 29 февраль. (ТАСС). АҚШ президенти Эйзенхауэр Оқ уйда ўтказилган матбуот конференциясида сўзлаб, шу йил ноябрь ойида ўтказиладиган президент сайловларида ўз кандидатини кўрсатишга розн эканлигини айтди.

Югославия билан Чехословакия ўртасида ҳаво алоқаси тўғрисида битим

БЕЛГРАД, 29 февраль. (ТАСС). 28 февральда Белградда Югославия билан Чехословакия ўртасида ҳаво алоқаси тўғрисида битим имзоланди.

ГРЕЦИЯ ЯНГИ ҲУКУМАТИНИНГ СОСТАВИ

АФИНА, 29 февраль. (ТАСС). Грецня бош министри ҳузуридаги матбуот бошқармаси бугун Грециянинг Караманлис тузган янги ҳукумати а'золарининг рўйхатини билдирди. Бош министр қилиб Константинос Караманлис, бош министр ўринбосари қилиб Андреас Апостолидис, ташқи ишлар министри қилиб Спирос Теотокис тайинланган.

ЭТНА ВУЛҚОНИ ОТИЛАБОШЛАДИ

ПАРИЖ, 29 февраль. (ТАСС). Франс Пресс агентлигининг хабар қилишича, Европада энг йирик вулқонлардан бири бўлган Этна вулқони кеча отилиб чиқабошлаган.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 2/III да **Алишер Навоий**, 3/III да **Гамлет**.

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 2/III да **Тоҳир ва Зуҳра**, 3/III да кечқурун **Чио-Чио-Сан**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 2/III да **Нурхон**, 3/III **Сингиллар қиссаси**.

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА — 5/III да **Катта концерт**. Концертда эстрада солистн **Берта Давидова** (Ўзбек халқ қўшиқлари), республикада хизмат кўрсатган артистлар **Жалол Асимов, Набижон Ҳасанов, Абдулҳақ Султонов** ва бошқалар қатнашади. Концерт кеч соат 8 яримда бошланади Касса кундуз соат 2 дан очилади.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Бугун ва ҳар куни **цирк усталари** иштироки билан **катта тамошалар**. Тамоша кеч соат 8 да бошланади. Якшанба куни 3 марта тамоша кўрсатилади.

«РОДИНА» (эрталаб соат 9-30 дан 1 гача ва кечқурун соат 5 дан), «ИСКРА», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (соат 1 дан), НАВОИЙ НОМЛИ (соат 1 да ва кечқурун соат 5 дан), «ЎЗБЕКИСТОН» (соат 4 дан) янги итальян бадиий фильми — **Унитилган хаёллар**.

«Ёш ГВАРДИЯ» кундуз ва кечқурун «РОДИНА», НАВОИЙ НОМЛИ (эрталаб соат 11 да ва кундуз соат 3 да) «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 9-30 ва соат 11 да), «ЎЗБЕКИСТОН» (эрталаб соат 10 дан соат 2 гача) — **Барабанчининг тақдири**.

«ЁШ ГВАРДИЯ» (кечқурун), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (соат 1 да **Грузин балетининг усталари**

«ЁШ ГВАРДИЯ» (соат 3-15 да) — **Меҳмондўст Бирма ерида**.

КИНО

„БАРАБАНЧИНИНГ ТАҚДИРИ“

Ёш авлодни турмушда тўғри йўлдан боришга, меҳнатга ҳалол муносабатда бўлишга, мамлакатимизга ёмон ният билан кўз тиккан ҳарқандай душманга қарши курашда дадил, саботли, ҳуш'ёр бўлишга ўргатучи фильмлар яратиш масаласи совет кинематографиясининг асосий вазифаларидандир. Чунки она-Ватанимиз дахлсизлигини та'минлаш ҳарбир пок виждонли совет кишисининг муқаддас бурчи, шоншарафидир.

Отоқли болалар ёзучиси Аркадий Гайдар повести асосида яратилган «Барабанчининг тақдири» кинофильми ҳам ёш авлодни— пионерларни коммунистик аҳлоқ руҳида, уларни меҳнатга тўғри муносабатда бўлишга, она-Ватанни чин қалбдан севиш, уни кўз қорачиғидай сақлайдиган жанговар кишилар руҳида — ватанпарварлик руҳида тарбиялаш масалаларига бағишланган. Ёзучи ўзининг ёш қаҳрамони — пионерлар отрядининг барабанчиси Серёжа Баташовнинг ҳаёт йўли орқали кундан-кунга гуллаб-яшнаётган социалистик Ватанимизни кўраолмайдиган, фан ва техникамиз тараққиётидан чўчийдиган, тинч, ижодий меҳнатга раҳна солишга интилган четэл жосусларига қарши олиб борилган жиддий курашни аҳлоқ масалалари билан узвий равишда боғлайди ва уни ҳаётий воқиалар орқали ёрқин акс эттиради.

Асар ва фильмга асос қилиб олинган конфликт ҳаётий бўлиб, бу конфликт Баташовлар оиласидаги кўнгилсиз ҳодисалар заминида вужудга келади. Баташов ўтмишда жанговар командир, кейинчалик эса ҳарбий завод инженери бўлиб ишлайди. У, инженер Грачковский ихтиро'си юзасидан ўз фикрини айтиш тўғрисида махфий пакет олади. Баташов хизмат бланкасига (бланка орқасига Валентина томонидан ўйнаши Беляевга ёзилган хатни пайқамасдан) рапорт ёзади ва пакет билан уни сумкага солиб қўяди. Сирнинг фош бўлишидан қўрққан Валентина эрининг сумкасидан пакетни ящиринча олади ва эри сезиб қолмаслиги учун уни зинапоядан ташлаб юборади.

Фильм воқиасининг асосий бошланиш нуқтаси ана шу. Воқиа шундан кейинги эволюцион ривожланишда кескинлашиб боради. Махфий пакетни йўқотиб қўйганлиги учун Баташов қамалади. Орадан ярим йил ўтгач, Валентина ўйнаши Беляевга турмушга чиқиб, ўғай ўғли — Серёжани уйда ёлғиз қолдиради ва янги эри билан курортга кетади.

Ўз ҳолига ташлаб қўйилган, ҳали турмушнинг баланд-пастини кўрмаган бола қайси муҳитга яқин турган бўлса, шу муҳит та'сирига берилиб кетади. Серёжа билан ҳам мана шундай ҳодиса рўй беради. Бир ҳовлида яшовчи, майда-чуйда ўғирликлар билан шуғулланучи Юрка уни йўлдан оздиради. У «артист» лақабли катта ўғри бошчилик қилаётган группага тушиб қолади. «Артист» йўқолган махфий пакетнинг топилганн ва унинг Серёжала эканлигини ўз «хўжайинларига» айтади. Баташовлар уйига уччига чиққан жосус «мен Валентинанинг акаси бўламан» деб партизан ниқобидаги бир «чол» бандитни бошлаб келади. У, ҳарқандай хатни менга кўрсат, деб Серёжага тайинлайди. Махфий пакет мазмуни билан танишгач, «Вася амаки» Серёжани олиб Киевга, инженер Грачковскийнинг олдига кетади. «Амаки» Грачковскийнинг дам олиш учун қишлоққа кетаётганини сезгач. «чол»га инженерни ўлдириш тўғрисида топшириқ беради. Топшириқ бажарилади. Серёжа жосуслар шаҳардан қочиб кетаётганда «чол»ни отиб ўлдирали, ўзи эса «амаки»нинг ўқидан яраланиб йиқилади. Хавфсизлик органларининг бу ишга актив иштирок этиши натижасида жосуслар қўлга олинади. Серёжа тез кунда соғайиб кетади.

Асар ва фильмга асос қилиб олинган воқиа ана шу. Сиртдан қараганда жуда оддий кўринган бу воқиа автор томонидан жуда усталик билан ҳаётий воқиалар, рангбаранг образлар орқали ҳаққоний равишда конкрет очиб берилган. Ана шу оддий воқианинг динамик равишда ишонарли қилиб ривожлантирилиши ва воқиалар жараёнида ёш пионер, барабанчи Серёжанинг дўст билан душманни бир-биридан фарқ қилаоладиган зийрак, жасур бола даражасига кўтарилиши кўрсатилади. Серёжанинг ўзи ёлғиз уйда қолган пайтдан бошлаб то «амаки»си ва «чол»нинг ҳатти-ҳаракатлари кескин ўзгариб қолишига қадар бўлган воқиалар жосуслар фаолиятини, уларнинг ўз мақсадларига эришишлари учун ёш болалардан фойдаланишга ҳам уринишларини кўрсатади.

Бундан 17 йил илгари яратилган бу асарда ёзучи ўз қаҳрамонини тўсиқсиз кенг катта йўлдан кетаётган кишилар сифатида эмас, балки турмушда рўй берган қийинчиликларни бошидан кечирган, ҳақиқатни англаган, душманга қарши аёвсиз курашган ва ниҳоят, тўғри йўлга тушиб олган ёш авлод вакили сифатида тасвирлайди. Ана шунинг учун ҳам фильмнинг ҳарбир кадри тамошабин диққатини беихтиёр ўзига жалб этади ҳамда уни ҳаяжонлантиради.

Автор ўғай болани ўз фарзанди ўрнида ҳис этмаган, енгил табиатли, болани ўз ҳолига ташлаб қўйган айрим оналарнинг ҳатти-ҳаракати ва бунинг натижасида давлат аҳамиятига эга бўлган жиддий воқиаларнинг содир бўлиш сабабларини очиб берган.

Валентина ана шундай шахсларнинг типик образидир. Валентинанинг Серёжага нисбатан оналик ҳис-туйғуси, унга меҳр-муҳаббат билан муносабатда бўлмаслиги, боланинг тақдири билан мутлақо қизиқмаслиги Серёжанинг секин-аста нотўғри йўлга кириб кетишига сабаб бўлади. Серёжанинг чекишга, ичкиликка, пулга ўрганишига сабаб бўлган асосий омиллар ҳам унинг ўз ҳолига ташлаб қўйилганидир.

Ана шунинг учун ҳам асар ва фильмда болани тўғри тарбиялаш, унинг иши устидан назорат қилиш фақат мактабнинггина вазифаси бўлиб қолмасдан, балки оила ва жамоатчиликнинг ҳам энг муҳим вазифасидир деган ғоя илгари сурилган.

Асар ва фильмда илгари сурилган ғояларни тўла очиб бериш, уни ҳаққоний равишда гавдалантиришда артистлардан Д. Сагал (Баташов), Серёжа Ясинский (Серёжа), А. Ларионова (Валентина), В. Хохряков («Вася амаки»), А. Лебедев (Юрка)лар ўзларига топширилган рольларни чуқур англаганлари ҳолда моҳирлик билан ижро этганлар. Д. Сагал жанговар командир, инженернинг салобатли образини яратган бўлса, В. Хохряков жосуснинг, С. Ясинский ёш авлод вакили — пионернинг, А. Ларионова — енгилтак хотиннинг, А. Лебедев — безори боланинг образларини жонли ва ишонарли қилиб яратаолганлар.

Фильмнинг муваффақиятли чиқишини та'минлашда режиссёр ва постановкачи (М. Федорова, В. Эйсимонт)ларнинг ижодий изланишлари, оператор (Б. Монастирьский) томонидан воқиалар мазмунига мос чиройли манзараларнинг суратга олиниши, композитор (Л. Шварц)нинг жозибали музика яратиши катта роль ўйнаган.

М. Горький номли киностудия томонидан ишлаб чиқарилган «Барабанчининг тақдири» фильми ёзучи А. Гайдар та'килаганидек, уруш тўғрисида бўлмай. балки моҳияти жиҳатидан урушдан кам бўлмаган шиддатли ва хатарли ишлар тўғрисида хикоя қилади. Ёш авлодни коммунистик аҳлоқ руҳида, Ватанга содиқлик руҳида, душманга газаб-нафрат руҳида тарбиялашда фильмнинг аҳамияти катта.

С. РАҲИМОВ.
М. ИКРОМОВ.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ. Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 132, Маданият бўлими — 132, Адабиёт ва сан'ат бўлими — 39040, Қишлоқ хўжалик бўлими — 39040, Саноат ва транспорт бўлими — 132 Хатлар бўлими — 34048. Маҳаллий ахборот бўлими 135. Секретариат — 34048. Э'лонлар бўлими — 38142.

Р. 00667. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр № 1386.